

**«МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАР ИНСТИТУТИ» ДМ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.24/30.12.2019.GM.40.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

«МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАР ИНСТИТУТИ» ДМ

АХМЕДОВ НУРМУХАММАД

**ҒАРБИЙ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ОЛТИН, ВОЛЬФРАМ ВА ТЕМИР
МАЪДАНЛАРИНИ ГЕОЛОГИК-САНОАТ ТУРЛАШ ВА УЛАРНИНГ
ИСТИҚБОЛЛАРИНИ БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ**

**04.00.02 – Қаттиқ фойдали қазилма конларининг геологияси,
уларни кидириш ва разведка қилиш. Металлогения ва геокимё**

ИЛМИЙ МАЪРУЗА ШАКЛИДАГИ ДОКТОРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ

Тошкент–2022

Фан доктори диссертацияси автореферати мундарижаси (DSc)
Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)
Content of abstract dissertation of doctor of science (DSc)

Ахмедов Нурмухаммад

Ғарбий Ўзбекистондаги олтин, вольфрам ва темир маъданларини
геологик-саноат турлаш ва уларнинг истиқболларини баҳолаш
мезонлари 3

Ахмедов Нурмухаммад

Геолого-промышленная типизация и критерии оценки перспектив на
золото, вольфрам и железные руды Западного Узбекистана..... 47

Akhmedov Nurmuhammad

Geological and industrial typification and criteria for assessment of
prospects for gold, tungsten, iron ores and diamonds in Western
Uzbekistan 91

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 95

**«МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАР ИНСТИТУТИ» ДМ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.24/30.12.2019.GM.40.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

«МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАР ИНСТИТУТИ» ДМ

АХМЕДОВ НУРМУХАММАД

**ҒАРБИЙ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ОЛТИН, ВОЛЬФРАМ ВА ТЕМИР
МАЪДАНЛАРИНИ ГЕОЛОГИК-САНОАТ ТУРЛАШ ВА УЛАРНИНГ
ИСТИҚБОЛЛАРИНИ БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ**

**04.00.02 – Қаттиқ фойдали қазилма конларининг геологияси,
уларни кидириш ва разведка қилиш. Металлогения ва геокимё**

ИЛМИЙ МАЪРУЗА ШАКЛИДАГИ ДОКТОРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ

Тошкент–2022

Илмий маъруза шаклидаги фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.3.DSc/GM52 рақам билан рўйхатга олинган.

Илмий маъруза шаклидаги докторлик диссертацияси «Минерал ресурслар институти» давлат муассасасида бажарилган.

Диссертация автореферати учта тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.gpimr.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий консультант:

Антонов Александр Евгеньевич
геология-минералогия фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Турапов Мирали Камалович
геология-минералогия фанлари доктори, профессор

Разиков Одил Тахирджанович
геология-минералогия фанлари доктори

Миркамалов Рустам Хамзаевич
геология-минералогия фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

“Навоий кон-металлургия комбинати” АЖ

Илмий маъруза шаклидаги диссертация ҳимояси «Минерал ресурслар институти» ДМ ҳузуридаги DSc.24/30.12.2019.GM.40.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «1» ноябрь соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100164, Тошкент шаҳри, Олимлар кўчаси, 64-уй. Тел.: (99897) 741-24-80. e-mail: info@gpimr.uz; gpniimr@exat.uz).

Илмий маъруза шаклидаги докторлик диссертацияси билан «Минерал ресурслар институти» ДМнинг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (9 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100164, Тошкент шаҳри, Олимлар кўчаси, 64-уй. Тел. (99897) 741-24-80).

Илмий маъруза шаклидаги диссертация 2022 йил «___» _____ кунни тарқатилди.
(2022 йил «___» ___ даги ___ рақамли реестр баённомаси).

М.У.Исоқов

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси, г.-м.ф.д.

Н.М.Хакбердиев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
илмий котиби, г.-м.ф. фалсафа доктори (PhD)

М.М.Пирназаров

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, г.-м.ф.д., профессор

КИРИШ

(Илмий маъруза шаклидаги фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё амалиётида, осон қазиб олинадиган маъданли фойдали қазилмалар конлари захираларининг камайиб бораётганлиги сабабли, янги истиқболли майдонларни аниқлаш ҳисобига мавжуд конларнинг хом ашё захирасини кенгайтириш муҳим аҳамият касб этади. Шу нуқтаи назардан, маъданли фойдали қазилмалар конларини геологик-саноат асосида турларга ажратиш янги истиқболли майдонларни башорат қилиш ва излаш учун муҳим мезон бўлиб ҳисобланади. Шу сабабли конларнинг геологик-саноат турларини ажратиш ва янги майдонларнинг истиқболларини илмий баҳоланганлигини асослаш соҳадаги устувор вазифалардан бири ҳисобланади.

Бугунги кунда дунёнинг ривожланган мамлакатларида маъданли фойдали қазилмалар конларини геологик-саноат турларига ажратишга қаратилган тадқиқотлар олиб борилмоқда. Хусусан, маъданлашув ҳосил бўлишининг асосий босқичлари ва тўпланиш хусусиятларини аниқлашга, маъданларни зоналар бўйича ётқизилишининг металлогеник, минералогик, геокимёвий, текстуравий кўрсаткичларига доир маълумотларни тизимлаштириш орқали геологик-саноат турларини аниқлаш ва уларнинг истиқболларини баҳолашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Геодинамик ва маъдан ҳосил бўлишнинг замонавий назариясини кенг миқёсда қўлланилиши, маъданли конларнинг геологик-саноат турларини ажратиш, илгари ўрганилган минтақаларни янги нуқтаи назардан кўриб чиқиш ҳамда янги объектларни аниқлаш ва излаш майдонларини кенгайтириш имконини беради.

Республикада минерал-хом ашё базасини кенгайтириш ва уларни тўлдириб боришга қаратилган бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Булар натижасида олтин, вольфрам, мис, темир ва ураннинг 50 дан ортиқ конлари саноат миқёсида ўзлаштиришга тайёрланган, ёпиқ ҳудудларда янги конларни излашга оид кенг миқёсдаги геология-қидирув ишлари олиб борилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «табiiй, минерал-хом ашё салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланишни таъминлаш»¹ вазифалари белгиланган. Шу муносабат билан республиканинг маъданли фойдали қазилмаларини геологик-саноат асосида турларга ажратиш бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш ва олтин, вольфрам ва бошқа маъданлашувларнинг қулай жойлашувларини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси¹ тўғрисида»ги ПФ-4947-сон фармонида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 1 мартдаги «Ўзбекистон Республикаси давлат

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги ПФ-4947-сон Фармони.

геология ва минерал ресурслар кўмитаси фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3578-сон, 2020 йил 8 июндаги «Давлат геология ва минерал ресурслар кўмитаси тизимида геология фанлари университети фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4740-сон ва 2021 йил 21 апрелдаги «Геология соҳасига инвестицияларни фаол жалб этиш, тармоқ корхоналарини трансформация қилиш ва республика минерал хом ашё базасини кенгайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-5083-сон қарорларида шунингдек, ушбу соҳада қабул қилинган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VIII - «Ер ҳақидаги фанлар (геология, геофизика, сейсмология ва минерал хом ашёларни қайта ишлаш)» устувор йўналишлари талабларига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи².

Маъданли конларни тизимлаштириш ва асосий геологик-саноат турларини ажратишга қаратилган кенг миқёсли илмий тадқиқотлар етакчи илмий марказлар ва олий таълим муассасаларида, жумладан: U.S. Geological Survey (АҚШ); Centre for Global Metallogeny (Австралия); Нодир элементлар минералогияси ва геохимёси институти (ИМГРЭ, Россия); Умумроссия минерал хом ашёлари институти (ВИМС, Россия); Societe geologi que de France (Франция); Centre for Russian and Central Euro Asian Mineral Studies (Буюк Британия); Geological Survey of Canada (Канада); Chinese Academy of Geological Sciences (Хитой); Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети (ТДТУ, Ўзбекистон); Ҳ.М.Абдуллаев номидаги Геология ва геофизика институти (Ўзбекистон); Минерал ресурслар институтида (Ўзбекистон) Инновацион ривожланиш вазирлиги хузуридаги Илғор технологиялар маркази, Ўзбекистон Миллий университетида амалга оширилмоқда.

Маъданли конларнинг асосий геологик-саноат турларини, уларни турли вақтлардаги геодинамик жойлашиш шарт-шароитларини ажратиш бўйича дунёда олиб борилган тадқиқотлар яқунлари бўйича бир қатор илмий натижалар олинган, жумладан: Канада қалқони худудидаги маъданлашувнинг структуравий ва литологик назорати аниқланган (Geological Survey of Canada, Канада); Тиён-Шоннинг шарқий қисмининг маҳсулдорлиги аниқланган (Chinese Academy of Geological Sciences, Хитой); конларни башорат қилиш ва излашнинг комплекс мезонлари ишлаб чиқилган (ФГБУ «ЦНИГРИ», Россия); асосий маъданли конлар: темир, марганец, хром, рангли металлар ва олтиннинг геологик-саноат турлари тизимлаштирилган, айрим металларнинг асосий маъдан формациялари тавсифланган (ВИМС, Россия); турли геологик вазиятларда ҳосил бўлишининг кўп босқичлилиги билан боғлиқ бўлган минерагеник ихтисослашуви аниқланган,

² Диссертация мавзуси бўйича чет эл илмий тадқиқотлари шарҳи қуйидагилар асосида амалга оширилган: <http://www.Elscvier.com>; www.geokniga.org; www.Mantleplui Ties.org; www.eariiplumes.org; <http://www.researchgate.net>; www.gei-earth.com ва бошқалар.

Ўзбекистон олтин конларининг геологик-саноат турлари тизимлаштирилган (МРИ, Ўзбекистон).

Бугунги кунда маъданли конларни геологик-саноат асосида турлаш, уларни вақт бўйича турли геодинамик шароитларда жойлашиш шароитлари соҳасидаги устувор йўналишлар бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Хусусан, маъданлашув жойлашувининг геологик-структуравий таҳлил қилиш, минерал таркибини ўрганиш ва олтин учраш шакллари аниқлаш, олтин маъданли конларининг умумий ва ўзига хос жиҳатларини аниқлаш, олмосга истиқболли жойлашув нуқталарнинг ўта асос таркибли интрузивлардаги тита-магнетитлар, ишқорий магматик тоғ жинслардаги портлаш трубкалари эксплозив брекчиялар олтин-сульфидли маъданлашув билан боғлиқлиги масалалари ўта муҳим аҳамиятга эга.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жанубий Тиён-Шон зонасининг олтин маъданли, вольфрам ва темир маъданли конларининг геологик тузилиши, ҳосил бўлиш шароитлари ва жойлашиш қонуниятларига, геологик-саноат асосида турларга ажратилишига доир тадқиқотлар дунёдаги етакчи илмий марказлар ва республикамизнинг кўплаб олимлари, шу жумладан Х.М. Абдуллаев, И.Х. Хамрабаев, В.М. Крейтер, В.И. Смирнов, Н.И. Бородаевский, Г.П. Воларович, М.М. Константинов, В.А. Нарсеев, Е.М. Некрасов, Н.А. Фогельман, Ю.М. Щепотьев, И.М. Голованов, Х.А. Акбаров, Б.А. Исаходжаев, Ф.И. Исламов, А.Е. Антонов, А.Т. Закиров, П.А. Тихонов, В.А. Хорват, В.Д. Цой ва бошқалар томонидан олиб борилган.

Ўзбекистоннинг қимматбаҳо, нодир, рангли, қора ва бошқа металл конларини геологик-саноат асосида турлаш ишлари номлари юқорида қайд этилган геолог-олимлар томонидан ишлаб чиқилган мезонлар (шакли, маъданли таналарни жойлашиш шароитлари, ўлчамлари, миқдори, маъданларни қазиб олиш шароитлари ва б.) асосида муаллиф томонидан 1990 йилдан 2020 йиллар мобайнида олиб борилган. Турлашда, юқорида қайд этилган фойдали қазилма конларининг ҳозирда ўрганилганлик ҳолатига мувофиқ келувчи геологик-структуравий ва моддий белгилари асос қилиб олинган.

Эришилган илмий натижаларга қарамай, бугунги кунда маъданлашувнинг структураларга боғлиқлиги, конларнинг ҳосил бўлиш ва тўпланиш шароитларини ўрганиш асосида геодинамик тизимлаш, Ўзбекистоннинг олтинга, темирга, вольфрамга ва бошқа маъданларга истиқболли майдонларини геологик-иқтисодий баҳолашга етарли даражада эътибор қаратилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Самарқанд тоғ-кон-маъданли худудидаги олтин, темир, вольфрам, қалай ва полиметаллар ресурсларини баҳолаш» (1994-1998), «Марказий Евроосиё литологик-палеогеографик, структуравий ва геоэкологик хариталари Атласи» (1997-2011), «Чамаланган конлар ва қаттиқ фойдали қазилмаларни геологик-иқтисодий баҳолаш умумлашма шарҳи» (2005), 2006 йил 1 январ ҳолати бўйича Ўзбекистон

Республикасининг қаттиқ фойдали қазилмалари конлари ва истиқболли майдонлари реестри» (2005-2006) лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотларнинг мақсади Ғарбий Ўзбекистон маъдан конларининг асосий геологик-саноат турларини ажратиш, уларнинг турли даврий геодинамик шароитларда жойлашиш шароитларини аниқлаш ва маъдандорлик истиқболларини баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Ўзбекистоннинг қимматбаҳо, нодир, рангли ва қора металллар конларини геодинамик тизимлаш;

маъдан ётқизилишининг зоналлилигини металогеник, минералогик, геохимёвий, текстуравий кўрсаткичлари ва конларнинг геологик-саноат турларини белгиловчи омилларга доир маълумотларни тизимлаштириш;

олтин маъданли конларнинг умумий ва ўзига хос хусусиятларини аниқлаш;

темир-титан конлари ҳосил бўлишининг геологик ва минералогик-геохимёвий хусусиятларини аниқлаш;

Ўзбекистоннинг олтин, темир, вольфрам, шунингдек биргаликда мис, олмос, титан ва бошқалар каби фойдали қазилмалар истиқболларини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Жанубий Тиён-Шоннинг Ўзбекистон қисмидаги рифт зоналари, маъданли конлари ва маъдан намоёнлари танланган.

Тадқиқотнинг предмети – олтин, кумуш, мис, молибден, вольфрам, темир, титан ва олмос конларининг геологик-саноат турлари.

Тадқиқотнинг усуллари. Фонд материаллари ва чоп этилган адабиётларни, олтин, вольфрам ва темир конлари ва намоёнларининг кўп йиллик тадқиқотлари жараёнида олинган геологик, башорат қилиш, излаш, чамалаш ва баҳолашга оид материалларни тўплаш, таҳлил қилиш ва умумлаштириш, фаоллашган структуралар мавжуд бўлган ороген худудларда жойлашган конларни геологик-саноат асосида турларга ажратиш. Маъданли фойдали қазилмалар конларини геологик-иктисодий баҳолаш ва маъданлашув тўпланиши учун қулай геологик-структуравий вазиятларни ажратиш.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

коллизия ва активлашган геодинамик шароитларда олтин ва вольфрам маъданлари, субдукция шароитида темир-титан маъданлашуви ҳосил бўлиши, ушбу турдаги конларни қидириш учун геологик-структуравий (тектоник) металлогеник мезон эканлиги аниқланган;

турли геологик-саноат турларига оид маълум уникал ва янги конларни ҳозирда ўрганилганлик ҳолатини таҳлил қилиш асосида Ўзбекистон худудидаги қимматбаҳо, нодир, рангли ва қора металлларнинг эталон объектлари муфассал тавсифланган;

олтин маъданли (Чормитон, Маржонбулоқ, Сармич, Ажибугут), вольфрам (Ингичка, Саутбой, Саритов) ва темир-титанли конларнинг (Тебинбулоқ, Темиркон) ҳосил бўлиш омиллари ва излашнинг комплекс белгилари тўғрисидаги маълумотларни мужассамлаштирган эталон геологик-саноат турлари тизимлаштирилган;

маъдан захираларини кўпайтириш, янги ҳудудларда конларни аниқлаш истиқболлари белгилаб олинган ва олтин, вольфрам, темир ва бошқа фойдали қазилмаларни геологик қидирув ишларини ривожлантириш йўналишлари асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Ғарбий Ўзбекистон ҳудудида конларнинг башорат қилиш-излаш моделларини ишлаб чиқиш, қимматбаҳо ва нодир металларнинг янги объектларини излаш ва баҳолаш учун назарий асос бўлиб ҳизмат қилиши мумкин бўлган маъданлашув ҳосил бўлишининг омиллари ва комплекс излаш белгилари ишлаб чиқилган;

Қалмоққир ва Ёшлик-І конларини мис, олтин, кумуш, молибден ва нодир металлар конларини Шарқий Ўзбекистондаги яхлит комплекс кон сифатида назарда тутувчи “Қатта Олмалиқ” концепцияси қўллаб қувватланган;

Чармитон ва Ғужумсой конларининг ғарбий, шимолий ва жанубий қисмларининг истиқболлари, шунингдек саноат миқёсидаги маъданлашувнинг 1000 м чуқурликка қадар тарқалганлиги аниқланган;

Шимолий Нурота тоғларидаги Пистали, Байрам, Новқат, Узунсоқол, Давлатхўжа ва Оқбел истиқболли майдонларида олтин маъданлашуви истиқболлари асосланган;

Олтин-сульфидли (Кўкпатас, Кўчбулоқ, Қизилолма) ва титан-магнетит (Тебинбулоқ) маъданлашувли маъданли майдонларда кимберлитсиз турдаги олмосларини излаш ишларини кучайтириш бўйича тавсия берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Олинган натижалар сертификатланган асбоблар билан олинган аналитик маълумотларга асосланади. Тадқиқотлар маъданлашувнинг жойлашиш шароитларини геологик-структуравий таҳлил қилиш усулига, асосий маъданли компонентлар хусусиятларига, ГИС-технологияларни қўллаган ҳолда амалга оширилган математик таҳлилларга мувофиқ бажарилган. Олинган натижалар тоғ иншоотлари, бурғи қудуқлари, қазиб олинаётган конларнинг эксплуатацион блокларини геологик тадқиқ қилишга доир фактик материаллар билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти олтин маъданли, камёб метали ва темир-титанли конларни ҳосил бўлиши маълум бир геодинамик вазиятлар билан боғлиқ, маъданлашувнинг ҳосил бўлишига оид ишлаб чиқилган омиллар ва излашнинг комплекс белгилари эса, маъданли майдонларни ва конларни башоратлаш-қидириш моделларини ишлаб чиқиш учун назарий асос ҳисобланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Ўзбекистон олтин, уран, вольфрам, темир ва бошқа маъданли фойдали қазилмаларининг ишлаб чиқилган геологик-саноат турлари қиёсий жабҳада геология-қидирув ишларини олиб боришда кам ўрганилган объектлар ва майдонларнинг маъдандорлик истиқболларини баҳолаш имконини яратади. Бу эса ўз навбатида бозор иқтисодиёти шароитида геология-қидирув ишларини фақат устувор йўналишларда олиб борилишини белгилабгина қолмай, балки ер қаъридан

заҳираларни қазиб олишни барқарорлаштириш ва қазиб олиш суратларини ошириш, уларни тўлдириб боришга ёрдам беради.

Тадқиқотлар натижаларининг жорий қилиниши. Маъданли конларнинг геологик-саноат турлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида: аниқланган ҳосил бўлиш омиллари, олтинга оид ва бошқа маъданлашувларни излашнинг ишлаб чиқилган комплекс белгилари «Регионалгеология» ДКда жорий қилинган (Давлат геология қўмитасининг 2022 йил 7 майдаги 02/38-сонли маълумотномаси). Натижалар олтин, вольфрам, темир маъданли конларни ҳамда олмосга истиқболли майдонларни аниқлашга доир геология-қидирув ишларини олиб бориш учун излаш ишларини кенгайтириш имконини берган;

Қалмоққир ва Ёшлик-I конларини мис, олтин, кумуш, молибден ва нодир металлларнинг яхлит комплекс кони деб қарайдиган “Катта Олмалик” концепцияси “Ўзбекгеология қидирув” АЖнинг ишлаб чиқариш фаолиятига жорий қилинган (Давлат геология қўмитасининг 2022 йил 7 майдаги 02/38-сонли маълумотномаси). Натижалар республикадаги олтин-мис-молибденли маъдан конлари ва маъдан намоёнлари доирасидаги геология-қидирув ишлари миқёсини кенгайтириш имконини берган;

Зармитан маъдан майдони заҳираларини кўпайтириш, янги майдонларда конларни аниқлашга доир тавсиялар “Ўзбекгеология қидирув” АЖнинг ишлаб чиқариш фаолиятига жорий қилинган (Давлат геология қўмитасининг 2022 йил 7 майдаги 02/38-сонли маълумотномаси). Натижалар Чормитон ва Ғужумсой конларининг ғарбий, шимолий ва жанубий қисмларининг истиқболлилигини, шунингдек саноат миқёсидаги маъданлашувни 1000 м га қадар тарқалганлигини исботлаш имконини берган;

Зармитан маъданли майдонига туташ ҳудудларнинг геологик-геофизик, масофавий ва мавзуга оид маълумотларини талқин қилиш “Ўзбекгеология қидирув” АЖнинг ишлаб чиқариш фаолиятига жорий қилинган қилинган (Давлат геология қўмитасининг 2022 йил 7 майдаги 02/38-сонли маълумотномаси). Натижалар Шимолий Нурота тоғларида Пистали, Байрам, Новкат, Узунсоқол, Давлатхўжа, Оқбел майдонларида ва Жанубий Нурота тоғларидаги Пангат, Шимолий Қўшрабод, Оғайдар ва Сартоқчи майдонларида олтинга оид маъданлашув истиқболлини асослаш имконини берган;

олтин, вольфрам, темир-титан маъданли конларнинг тизимлаштирилган эталон геологик-саноат турлари “Ўзбекгеология қидирув” АЖнинг ишлаб чиқариш фаолиятига жорий қилинган (Давлат геология қўмитасининг 2022 йил 7 майдаги 02/38-сонли маълумотномаси). Натижалар Ўзбекистон Республикаси маъданли фойдали қазилмаларининг (олтин, кумуш, вольфрам, мис, молибден, темир, олмос ва б. металллар) минерал-хом ашё базасини кенгайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 7 та халқаро ва 7 та республика миқёсидаги илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Маъруза шаклидаги диссертация иши мавзуси бўйича 39 та илмий ишлар чоп этилган. Улардан 2 таси

монография, 23 таси илмий журналларда (3 таси чет элда), 14 таси халқаро ва республика илмий-амалий конференциялари тўпламларида чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Маъруза шаклидаги диссертация иши кириш, тўртта боб ва хулосадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида олиб борилган тадқиқотларнинг долзарблилиги ва зарурати, мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети асосланган, тадқиқотларнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги кўрсатилиб, тадқиқотларнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган. Олинган натижаларнинг илмий аҳамияти ва таҳлиллар натижаларини амалиётга жорий қилиниши изоҳланган, чоп этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Биринчи боб «**Ғарбий Ўзбекистоннинг геологик-металлогеник тузилиши**». Ўзбекистон Республикаси минерал-хом ашё базасини янада ривожлантириш замонавий геологик тушунчаларга асосланиши зарур. Орттирилган билимларни ҳисобга олган ҳолда фойдали қазилмаларнинг жойлашиш қонуниятларини тушунишнинг сифат жиҳатдан янги даражасига ўтиш лозим.

Ўзбекистон ҳудуди мураккаб геологик тузилишга эгаллиги билан ажралиб туради ва икки структуравий қаватдан иборат: юқори-мезозой-кайнозой ғилофи (майдоннинг 92%) ва қуйи пойдевор жинслари (8%). Қуйи структуравий қават энг мураккаб тузилишга эга. Минтақанинг геологик ривожланиш тарихидан, таркиби, тузилишининг ўзига хослиги ва турли ёшдаги формацияларнинг ўзаро алоқаларидан келиб чиқиб, карбон даври охирида шаклланган бурмаланиш пойдевори ва уни қоплаган элементлар ажратилади, уларнинг ҳосил бўлиш даври карбондан кечки перм-триасгача.

Худуднинг айрим қисмларининг металлогеник хусусиятлари уларни геодинамик эволюциясининг кечиши билан боғлиқ. Башорат қилиш-металлогеник тузилмаларда одатга кўра бирга келувчи металлогеник юкламали структуранинг барча элементлари навбатма-навбат кўриб чиқилади. Кейинги босқич геологик-тектоник худудлаштиришни асослаш ҳисобланади, у бир турдаги тузилиш бир хилдаги бир жинсли блокларни аниқлаш имконини беради.

Худуд геодинамик эволюциясининг асосий босқичлари Ўзбекистон Республикасининг 1:500 000 масштабда тузилган геодинамик харитаси асосида кўриб чиқилади (Ю.С.Савчук ва б. 1999). Кўриб чиқилган босқичларнинг металлогеник тавсифи (рифей-венд, кембрий-силур, девон-эрта карбон, ўрта карбон-кечки карбон, кечки карбон-пермь) Н.Ахмедов ва И.М.Голованов томонидан бажарилган.

Ўрта-кечки рифей вақтида Осиё палеоҳавзасининг Қизилқум тармоғида океан туридаги қатламининг очилиши ва шаклланиши содир бўлган. Бунга океан туридаги юпқа қатламнинг чўзилиш шароитларида шаклланган толеитли ва оҳактош-ишқорли базальтлар (учқудуктов, қумбулоқ, маджерум, чолчаратов ва тасқазган свиталари) мисол бўлади. Базальтларни сув остидан отилиб чиқиши нисбатан кичик чуқурликларда содир бўлган, буни лавалардаги реликтли бодомсимон текстуралар ва биогермли сув ўтлари тузилмаларининг кенг ривожланганлиги исботлайди (кўкпатос свитаси). Бу вақтда Қозоғистон (шимолӣ) ва Туркистон ёки Қорақум-Тожиқ (жанубӣ) микроконтинентларини ҳосил қилган ҳолда тўпланиш худуди очилаётган ҳавзани ифодалаган, у

қачонлардир ягона палеоконтинент бўлинган жойда (Гондвананинг шарқий чеккаси) ҳосил бўлган. Очилмаларнинг умумий кўлами, сақланиб қолган океан туридаги пўст тангасимон ҳосилалари кенглигидан келиб чиқиб камида 300-400 км (Мухин, Каримовларга кўра 2000 км дан ортиқ, 1989). Эҳтимол шу даврда ҳавзада энсиматик орол ёйи мавжуд бўлган, бу кесимда оҳактош-ишқорли вуканитлар миқдорининг анча кўплиги бўйича аниқланади (Жанубий Томдитовдаги жургантов свитаси).

Петрокимёвий маълумотларга кўра спрединг тезлиги 3-10 см/йил (Шоёқубов ва б., 1988), 6-11 см/йилгача (Мухин ва б., 1989).

Худудда кўриб чиқилаётган геодинамик эволюциянинг бошланғич рифей-венд босқичи металлогенияси етарлича ўрганилмаган. Марказий Қизилқумдаги R₃ тошқазғон свитаси маъданлилик жиҳатдан алоҳида эътиборга молик бўлиб, у уран, ванадий, мис, молибден, олтин ва б. элементларнинг нисбатан юқори концентрацияси билан ажралиб туради.

Шимолий Томдитовнинг ғарбий қисмидаги офиолитли комплексида (серпентинитлар пироксенитлар, перидотитлар ва ультрабазитли, шунингдек габбро-базитли қатор) Тескудук-Чингелди, Учкудук-Мутенбой, Ажриқ ва бошқа массивларда камбағал маъданли хромитли (В.В.Баранов бўйича) ва платиноидли (И.Х.Хамрабаев ва А.А.Мусаев бўйича) маъданлашув кенг тарқалган.

Энг яхши ўрганилган Тескудук-Чингелди массивида хром хромшпинелидлар кўринишида тарқоқ холдор ёки уяли магно-хромпикотитларда учрайди. Хромитли маъданлашув участкаларида платина 2 г/т, палладий 0,4 г/т гача, шунингдек родий ва иридийларнинг яхшигина миқдорлари аниқланган. Ультрабазитлар бўйича ҳам сульфидли маъданлашув ривожланган (пирротин, пентландит, пирит, халькопирит).

Синформалар ядросидаги (Шимолий Томдитов) аллохтон массивлари кўринишида сақланиб қолган унча катта бўлмаган океан туридаги қобик фрагментлари, ёки сутур зонасидаги линзасимон таналар (Султон Увайс, Шимолий Букантов, Шимолий Нурота) билан бир қатор фойдали қазилмлар боғлиқ. Султон Увайс тоғларининг шарқий қисмида габбро, габбро-диоритлар, пироксенитлар, горнблендитлардан ташкил топган аллохтонли унча катта бўлмаган (2x4 км) Тебинбулоқ массиви жойлашган. Ушбу жинслар Тебинбулоқ кони аниқланган ўта асосли ҳар-хилликларда кўп бўлган ваннадий таркибли титаномагнетит хол-холликларини ўз ичига олади. Ғарбий уюмнинг башорат захиралари темир маъданининг ўртача миқдори 13% бўлган табиий қотган (ваннадий ва титан билан) темир маъдани 450 млн.т миқдорда баҳоланган.

Контраст рифоген ассоциация таркибига кирувчи базальт ва андезибазальтлар Писталитов тоғларидаги (Шимолий Нурота тизмасининг шимолий тоғолди чеккалари) Темиркон конининг темир маъданлари (магнетит-гематитли) учун маъдан қамровчи жинслар бўлиб ҳисобланади. Улар асосий вулканизм намоёнларини ва у билан боғлиқ темирли маъданлашувни қайд қилувчи ижобий локал магнит аномалияларнинг занжирлари билан кузатиб бориладиган чуқур субкентлик ёриқлар зоналарига тўғри келади.

Султон Увайсда девон вақтига оид вулқаноген қатламлари билан бирга энсиматик орол ёйлари фрагментлари қайд қилинади (Савчук ва б. 1997).

Тектоник тангасимон ҳосилаларда маркзий қисм аниқланган бўлиб, унда габбро-диоритли (зангибобо мажмуаси) ва карбонат-терриген-вулканоген (шейхжейли, қуянчиқ свиталари) формациялар ривожланган, унинг ёнбағирлари ва этаклари вуқонитларнинг кремнийли ва карбонатли ётқизиклари билан қатламлашган (Ёмонсой, Бешмозар свиталари). Эҳтимол, айна орол ёйларининг магматик маҳсулотлари билан олтин (Урусой, Ёмонсой), шунингдек мис, молибден, никель, платиноидлар конлари боғлиқдир.

Туркистон микроконтинентининг шимолий чеккаси лландовери-венлок (Кулжуктов-Хисор блоки), лудлов (Олой, Қизилқум блоки) ва қуйи девон (Қизилқум блоки)дан бошлаб карбонатли ғилоф ҳосил қилган ҳолда ривожланишнинг пассив режимига ўтган. Ушбу жараён бошидаги фарқлар эҳтимол ҳосил бўлган вулқон-плутоник камар юзасининг дифференциал ҳолати ва денгиз сатҳига нисбатан аккрецион призмаси билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Энг юқори турғунлик Қизилқум блоки учун қайд этилади, бу ерда базальт горизонтида максимал қалинлик (40 метргача) ва бўлақлар ўлчамлари (конгломератларга қадар) аниқланган. Фарқ қилувчи фациялар ва уларнинг қалинликларида (континентал чеккасига кўндаланг) карбонат тўпланиши қуйи-москва кичик ярусига қадар давом этган. Ушбу вақтдаги интрузив ҳосилалардан тоналит-гранодиоритли $D_1(?)$ Қорақўтон дайкали мажмуа маълум бўлган, у олдинги даврда бошланган шимолий вергент субдукциясининг сўниб бораётган фазаларнинг аксланиши бўлиши мумкин.

Карбон даври охирига келиб Туркистон палеоҳавзасининг бутунлай ёпилиши содир бўлган, у океан туридаги пўстнинг Туркистон (Қорақум-Тожиқ) микроконтинентининг чекка континентал ва шельф кесимларини Қозоғистон плитаси (Ўрта Тиён-Шон) чеккаси остига бирин-кетин сўрилиши билан бутун карбон давомида содир бўлган. Субдукция вақтида ушбу кесимларнинг айрим тангасимон фрагментлари фаол чеккаларга бирлашиб, Жанубий Тиён-Шон аккрецион призмасидаги икки микроконтинентлар чегарасида аллохтон комплекслар пакетини ҳосил қилган. Унинг кенглиги 120-180 км, узунлиги 1000 км дан ортиқни ташкил қилади.

Жанубий Тиён-Шонда герцин даврига оид олтин-сульфидли, олтин-сульфид-кварцли маъданлашув кенг тарқалган. Ихтисослаштирилган структуравий кузатишлар билан ушбу конларнинг бир қисми аккрецион призмада аллохтон комплекслари орасида йиғилиб тўпланган чоклар билан назорат қилиниши аниқланган бўлиб, уларнинг белгилари кузатилади.

Жанубий Тиён-Шон гранитоид камарининг субдукцион-коллизия интрузиялари сабабли асосан нодир металллар маъданлашуви ривожланган. Масалан, 1-турдаги гранитоидларининг контакт олди қисмидаги Жанубий Букантовда Саритов вольфрам маъданли чизикли штокверк, Чақил-Қалон тоғларида эса - Яхтон скарнли кон разведка қилинган. Шимолий Нурота ва Зирабулоқдаги S туридаги гранитоидли массивлар экзоконтактларида Қўйтош ва Ингичка скарнли вольфрам конлари аниқланган. Зирабулоқнинг Карноб ва Лапас интрузив ва терриген тоғ жинсларидаги томир кўринишидаги минераллашувли касситерит-силикатли формация истиқболли ҳисобланади.

Ғарбий Ўзбекистоннинг ортки ёйсимон камарида магматитларнинг зонал жойлашганлиги кузатилади. Фронтал қисмида контраст ассоциациялар таркибида габброидлар кўпчиликни ташкил қилади, орқа зонада эса ишқорли турлар - монцонит-сиенитлар, граносиенитлар ва бошқалар намоён бўлади. Кулжуктов тоғларидаги Белтов массиви габброидларининг контакт қисмларида яхлит ва донадор графит маъданли Тошқазғон кони разведка қилинган бўлиб, уларнинг таркибида никелли маъданлашув мавжуд. Жанубий Букантов карбонат-терригенли жинсларининг монцонит-сиенит-граносиенитли массиви экзоконтактларида Саутбой вольфрамли скарнли-скарнсимон кони жойлашган.

Етилган континентал пўст шаклланганидан сўнг унинг қаттиқлиги постколлизия фаоллик (C_3-P_2) билан парчаланган, у чуқурлик диапирасининг фаолиятига кўмаклашган ва аккрецион призма энергиясини бўшатган. Фаоллашган жараёнлар чуқурликдаги олтинли флюидларни кўтарилишига ва Ғарбий Ўзбекистонда катта кўламдаги олтин маъданлашувнинг шаклланишига олиб келган.

Қизилқумда (Кўкпатос, Мурунгов, Мутенбой, Бесапан, Чуқурқудук, Аристангов, Балпантов, Бесапантов, Омантойгов, Довғиз, Ажибугут, Сардор, Қумтошли, Турбой, Олтинтов, Айтим ва б.), Самарқанд минтақасида (Чармитан, Ғужумсой, Сармиш, Биран, Маржонбулоқ, Олтинқазғон ва б.) ва Жанубий Ўзбекистон геологик иқтисодий худудда (Широтное ва Ақба) кўплаб олтин-кварцли, олтин-сульфид-кварцли ва олтин-сульфидли турдаги катта, ўрта ва кичик олтин маъданли конларнинг жойлашиши бир қатор маъданни назорат қилувчи омиллар билан аниқланади. Буларга қуйидагилар киради: литологик (асосан бесапан, кам ҳолларда тошқазғон углеродли метатерриген свитаси), структуравий (антиклинал бурмалар қанотлари, экран ости вазияти, ёриқларнинг кесишиш тугунлари, чуқур кириб бориш зоналари, мураккаб блокли тектоника), магматик (интрузив устидаги ўрни, монцодиорит-гранитли, сиенит-граносиенитли, диабаз-диорит-гранитли таркибли дайкалар ҳамда лампрофирлар билан боғлиқлиги) метасоматик (биотит-далашпати-кварцли, березитли, альбит-хлоритли, камровчи жинсларнинг аргиллитли ўзгаршлари) ва б. киради.

Космик тасвирларни ер усти геологияси ва томеозой пойдеворининг устки рельефи маълумотлари билан бирга комплекс таҳлил қилиш альп ёшидаги конседиментацион кўтарилмалар ва эгилмалар тизимини аниқлаш имконини берди (Шульц-кичик, 1972; Борисов, Глух, 1982; Ситдиқов, 1985; Тектоника Западного Тянь-Шаня, 1989). Улар жуда қия ($0-20^\circ$), шимоли-шарқий ва яқин кенгликдаги ёриқлар билан чегараланган тўғри, катта радиусга эга бўлган бироз чизикли кўринишда қайд этилади. Ҳаракатларнинг асосий фазаси кечки неогенга тўғри келади.

Ушбу босқичнинг асосий чегараси бўлиб, тоғ кўтарилмалари (горст-антиклиналлар) ва конседиментацион депрессиялар (антиклиналь-грабенлари)нинг шаклланиши ҳисобланади.

Бу босқичдаги маъданли фойдали қазилмалардан мезазой қумтошларидаги қатламли оксидланиш зоналари билан боғлиқ бўлган (Жанубий Букантовдаги

Учқудук) стратиформли инфильтрацион уюмларнинг уранли маъданлашув ажралиб туради.

Иккинчи боб «**Ғарбий Ўзбекистон олтин конларининг геологик-саноат турлари**». Геологик саноат туридаги (ГСТ) конлар тушунчаси геология амалиётига илк бор В.М.Крейтер томонидан ГСТ конларга оид биринчи таснифни таклиф қилган. У қуйидаги белгиларга асосланган: маъдан таналарининг шакли, жойлашиш ўрни, ўлчами, маъдан миқдори, маъдан сифати. Шундан бошлаб дунёда ва МДХ материалларида ГСТ ни ажратиш тамоиллари В.И.Смирнов, Н.И.Бородаевский, Г.П.Воларович, М.М.Константинов, В.А.Нарсеев, Е.М.Некрасов, Н.А.Фогельман, Ю.М.Щепотьев ва б. томонидан кўриб чиқилган.

Ўзбекистондаги конлар турли худудлар учун Р.В.Цой, И.М.Голованов, Б.А.Исаходжаев, Ф.И.Исламов, А.Т.Закиров, П.А.Тихонов, В.А.Хорват, В.Д.Цой томонидан тизимлаштирилган.

ГСТни тизимлаштиришда объектив геологик-структуравий ва моддий белгилар асос қилиб олинган бўлиб, улар Ўзбекистон конларининг ўрганилганлигининг ҳозирги ҳолатига, шунингдек иқтисодий кўрсаткичларига жавоб беради (Цой, Исаходжаев, Голованов, 1996). Юқорида қайд қилинганлардан келиб чиқиб, геологик-саноат тури деганда муайян, шунингдек структуравий-моддий ва техник-иқтисодий кўрсаткичлари бўйича ўхшаш комплекс конлар ҳам тушунилади, улар муайян геологик шароитда металнинг саноатга оид ёки потенциал саноат манбаи сифатида баҳолаш имконини беради.

Структуравий ва моддий белгиларининг йиғиндиси маъданларни типоморф белгилари – сульфидланиш даражаси, эркин ёки қатъий металнинг, унинг битта ёки бир нечта генерацияларини, маъдандаги қийматли ва зарарли аралашмалар ва б., шунингдек конларнинг морфотурларига боғлиқ бўлган маъданлашувнинг мавжудлигидан келиб чиқиб маъданлар сифати ва технологик қайта ишлаш имкониятларига ҳаққоний ёндашишни белилаб беради.

Диссертант томонидан таклиф этилган конларнинг геологик-саноат турларини тизимлаштириш, аввало айнан саноат туридагиларни тавсифлашга қаратилган ва уларни саноат миқёсида қайта ишлаш жараёнига таъсир қилувчи маъдан таналари, қамровчи жинслари морфологияси, маъданларнинг асосий ва бирга учровчи фойдали компонентларининг тўлиқ тавсифини ва конларни қазиб олишнинг тоғ-кон-техник шарт-шароитларини ўз ичига олади.

Олтин конларининг асосий геологик-саноат турлари асосан иккита геологик-иқтисодий худудлар (ГИХ)да жойлашган: Қизилқум (Кўкпатос, Мурунгов, Мутенбой, Чуқурқудук, Балпантов, Омонтайтов, Довғизтов, Аджибугут, Турбой, Олтинтов, Айтим ва б.) ва Самарқанд (Чармитан, Ғужумсой, Сармиш, Биран, Маржонбулоқ, Олтинқазғон ва б.).

Муаллиф эндоген маъданлашувнинг олтинга оид учта асосий геологик-саноат турларига таянади: олтин-кварцли, олтин-кумушли ва ягона олтин-кумушли мажмуа.

Чормитон кони олтин-кварцли кон тури ҳисобланади. Диссертация муаллифи томонидан Чормитон ва Зармитон олтин маъданли зонасидаги

олтиннинг ва бирга учровчи компонентларнинг башорат ресурсларини муфассал баҳолаш ишлари бажарилган.

Чормитон кони Шимолий Нурота тизмасининг жанубий ёнбағри марказий қисмида жойлашган бўлиб, Шимолий Нурота антиклинори жанубий қанотидаги Қўшработ кўп фазали интрузив массивининг жануби-шарқий экзо- ва эндоконтат қисмига тўғри келади. Конда эрта силурнинг жазбулоқ свитаси ва Қўшработ пермь гранитодли (граносиенитли) плутонининг тоғ жинслари маъдан қамровчи жинслар бўлиб ҳисобланади.

Кон структурасининг маъдан ҳосил бўлиш жараёнида узилмали тектоника муҳим ўрин тутади. Қоровулхона-Чормитан ёриқлар зонаси маъданни назорат қилувчи, ғарб-шимоли-ғарб йўналишидаги узилмалар эса – маъдан қамровчи структура бўлиб ҳисобланади.

Кон майдонида шимоли-ғарб ва жануби-шарқ томон тик тушувчи бурчак (80-90°) остида елпиғичсимон тарқаладиган тектоник чоклар “от думи” шаклидаги узилмалар кенг тарқалган, улар билан кон майдони алоҳида блокларга ажратилган: Жанубий, Оралик, Қоратепа ва шимоли-шарқий йўналишдаги бошқа ёриқлар.

Маъдан қамровчи жинсларнинг маъданолди ўзгаришлари дала шпати-кварцли метасоматитлардан иборат, ташқи зоналарда беритизация ривожланган (кварцланиш, карбонатизация, серицитизация, пиритизация). Баъзан аргилитланган (каолинланиш) метасоматитлар қайд этилади. Кварц-дала шпатли метасоматитлар гранитоидли жинслар орасидаги кам сульфид кварцли томирлар зальбандларида учрайди, шу билан бирга улар доим альбит-хлоритли метасоматитлар билан ассоциацияланади.

Чормитан кони маъданлари таркиби бўйича кам-, оз- ва ўрта миқдор сульфидли турларга бўлинади. Интрузив эндоконтатда кам- ва оз-миқдорли сульфидлилар, экзоконтатда эса оз-миқдорли, баъзида турлича бўлган ўртача миқдордаги сульфидли турлари кўпроқ учрайди. Сульфидлилик даражаси шарқий йўналишда ортиб боради. Маъданлар штокверкли ва штокверк томирли таналар кўринишида шаклланади, улардаги ер томирларни ташкил қилувчилар маъданли зоналарнинг ёки алоҳида ярусларнинг юқори қисмига интилади, штокверкли морфоструктуралар эса маъданли зоналарнинг қуйи қисми учун тавсифлидир.

Маъдан томирларидаги асосий ташкил қилувчи минераллардан кварц (кўпроқ) бўлиб, дала шпатлар, кальцит; маъданли минераллардан - пирит, арсенопирит, шеелит, полисульфидли ва сульфотузли гуруҳ минераллари ва олтин ҳисобланади. Маъданли минераллар орасида пирит ва арсенопирит устунлик қилади. Маъданлашув маъдан танаси ҳажмига нисбатан 0,5 дан 15,0% гача ташкил қилади.

Конда маъдан ҳосил бўлиш жараёни маъдан олди босқичидан бошланади, унда таркибида ер томирли минераллар – кварц, альбит, хлорит мавжуд бўлган кварц-альбит-хлоритли парагенетик минералли ассоциация жойлашган. Маъдан олди босқичи айнан маъданли билан алмашади, бу вақт давомида шеелит-олтин-кварцли, пирит-арсенопиритли, полисульфидли ва антимонитли минерал ассоциациялар шаклланган.

Коннинг геокимёвий профили олтин, вольфрам, висмут, кумуш, мис, рух, кўрғошин, сурьма каби элементларни белгилайди. Маъданларнинг асосий фойдали қазилмалари – олтин ва кумуш, бирга учровчилар вольфрам, кўрғошин, рух, сурма билан ифодаланади.

Зармитон олтин маъданли зона бўйича штокверк концепциясини қўллаган ҳолдаги умумий заҳиралари ва ресурслари 1600 шартли бирликдан ортиқни ташкил қилиши мумкин. Ушбу маъдан майдонининг ер юзасига яқин қисмини қазиб олиш – уйғунлашган (комбинацияланган) усулда (карьерлар ва қия қазиб тушиш орқали) амалга ошириш кўзда тутилади.

Конларнинг катта заҳирага эгаллигини ва уларнинг башорат ресурсларини ҳисобга олиб, маъданларни ҳозир вақтда қайта ишлаш шу жойнинг ўзида амалга оширилиши кўзда тутилмоқда. Қисқа вақт ичида, аввало қазиб чиқарувчи ва қайта ишловчи комплексларнинг ишлаб чиқариш қувватларини максимал ошириш мақсадида, конлардан фойдаланишнинг ДТИАларини ишлаб чиқиш зарур. Зармитан олтин маъданли зона конлари маъданлари ҳажмининг 10%дан кўпроғи очиқ усулда қазиб олиниши мумкин. Қазиб олиш ишларини оқилона олиб боришни аниқлашга қаратилган геология-қидирув ишлари ўтказилганидан сўнг ушбу кўзда тутилган фоиз анча ортиши мумкин.

Муаллифнинг бевосита иштирокида Зармитан олтин маъданли зонаси конларининг хом ашё базасини ўзлаштириш Дастури ишлаб чиқилган бўлиб, у хом ашё базасини ва заҳираларни қазиб олиш усуллари аниқлаштирган ҳолда геология-қидирув ишларини давом эттиришни, муҳандислик изланишларни амалга оширишни; тажриба-саноат асносидаги технологик синовларни олиб боришни; ТКК объектларининг қурилишини ўз ичига олади. Тоғ-кон комплексини барпо қилиш электр таъминот тизими объектларини, ишлаб чиқариш ва турар жойларни қуришни кўзда тутди.

Маржонбулоқ кони Маржонбулоқ синклиналь бурмасининг камари қанотидаги чуқур ёриқнинг жанубий устунли шахобчасига тўғри келади. Чуқур ёриқ субкентликга оид мураккаб тармоқланган тик тушувчи зоналар серияси билан кузатиб борилади, улар орасида учта энг йирик зона ажралиб туради (Шимолий, Оралик, Жанубий). Улар жадал майдаланиш, қамровчи жинсларнинг кварцланиши ва қуйи силурнинг молғузар комплексининг турли таркибдаги дайкалар билан кузатиб борилади. Коннинг геологик тузилишида бўлинмаган алевролитлар, қумтошлар, турли таркибли сланецлар, гравелитлар, кам ҳолларда – конгломератлар қатламчалари ва линзалари мавжуд O_{2-3} -ёшидаги терриген-сланецли қатлам (маржонбулоқ свитаси) қатнашади. Ушбу қатлам $270-300^\circ$ азимут бўйича йўналган ўқли юзалар билан чизиқли бурмаларга эзилган ва одатда жануб томон ётади. Свитанинг кузатилган қалинлиги 800 м.гача. Шимоли-ғарбий йўналишдаги дайка ва дайкасимон таналар кўринишидаги интрузив ҳосилалар эрта силурнинг молғузур диабаз-диорит-ганитоидли комплексига тегишли бўлган диабазли порфиритлар ва ишқорли базальтсимон тоғ жинсларидан иборат. Улар асосан Қорақчатов-Маржонбулоқ чуқур ёриғининг жанубий шахобчаси зонаси атрофида ривожланган ва кон ҳамда маъдан майдонини назорат қилувчи асосий структура ҳисобланади. Зона субкентлик бўйича мураккаб тармоқланган ёриқлар серияси билан ифодаланади

ва углеродли милонитлар ва катаклазитлардан, кам ҳолларда брекчиялар ва зич микросланецлардан ташкил топган.

Маржонбулоқ конидаги маъдан таналарининг морфологияси иккита тур билан тавсифланади:

- вертикал чўзилиши 100-200 метрдан ошмайдиган устунсимон ва кўзиқоринсимон таналар. Чуқурликда улар босқичма-босқич ёки йўқолиб боради (Украина участкаси), ёки томирсимон маъданли зоналарга (Ғарбий) алмашинади.

- тик ётувчи текис (плита- ёки лентасимон) таналар (Ғарбий участкаси), унда маъданлашув чуқурликка қараб бир мунча мустаҳкам ва юқори миқдорли маъданлар кўринишида намоён бўлади.

Маъданли зоналарнинг узунлиги 1600-2000 м, маъдан таналари 32 дан 300 метргача ташкил этади. Маъданли зоналарнинг қалинлиги 32 метрдан 300 метргача этади. Улар маъданлашувнинг ўта нотекис тарқалиши билан ифодаланади. Олтиннинг миқдори 1 дан 6 шартли белгигача (ш.б.), ўртача 2-6 ш.б. Умуман олганда конда 25 та саноатбоп маъдан таналари аниқланган.

Маржонбулоқ кони олтин-сульфид-кварцли тури ҳисобланади. Муаллиф томонидан Маржонбулоқ маъдан майдонида олтин маъданлашувни жойлашиш хусусиятларини ўрганиш ва истиқболли майдонларни ажратишга доир комплекс тадқиқотлар олиб борилган. Унинг геологик тавсифи берилган ва излаш мезонлари – структуравий-геологик, минералогик-геокимёвий, метасоматик ва магматик тизими ишлаб чиқилган (Ахмедов, 1978, 1985, 1987).

Маржонбулоқ маъдан майдонининг геологик-структуравий ўрни Қорақчатов-Маржонбулоқ чуқур ер ёриғи зонасига тўғри келиши билан белгиланади, у Шимолий ва Жанубий маъдан майдони атрофидаги устун тармоқларида ифодаланади. Ғарбда 2,5 км шарқда 6,5-7 км кенгликдаги барча маъдан майдонлари линзасимон-йўл-йўл, турли қалинликдаги углеродсимон тектонитлар билан бўлинган улкан тектоник зона – мозаик-линзасимон блокларнинг тарқоқ шахобчалари билан ифодаланган.

Маъданли майдондаги тоғ жинсларининг маъданолди ўзгаришлари березитланиш (кварцланиш, хлоритланиш, карбонатланиш, серицитланиш, пиритланиш) ва аргиллизланиш (каолинланиш, гидрослюдаланиш) кўринишларида намоён бўлган. Маржонбулоқ маъданли майдонида ўзгарган жинслар зоналари кам миқёсда намоён бўлиб, кўпинча улар устига жойлашган сульфидли минераллашувнинг ниқобловчи таъсири натижасида деярли кузатилмайди. Коннинг чуқур горизонтларида (1-сонли шахта) метасоматик кварц-хлоритли минерал ассоциация таркибида пиритнинг донадор ва томирчасимон агрегатлари ҳамда баъзан учрайдиган шеелит заррачалари бўлган мустақил ингичка томирчалар кўринишида кузатилади. Номмаъдан минераллардан камдан-кам ҳолларда серицит ва карбонатлар кузатилади.

Маржонбулоқ кони маъданлари минерал таркиби бўйича турлича бўлиб, таркибида 60га яқин минераллар учрайди. Улар кварцлашган гилли ва кўмирли-гилли сланецлардан, кварц томирлари ва турли қалинликдаги томирчалар балан кесиб ўтилган кумтошлардан таркиб топган. Маъданлардаги сульфидларнинг миқдори ўзгарувчан бўлиб, 0,5 дан 5,0% гача этади.

Кондаги маъдан ҳосил бўлиш жараёни уч босқичда содир бўлган: маъдандан олдинги кварц-хлоритли минерал ассоциацияси билан; таркибида пирит-арсенопиритли ва ундан бироз кечки олтин-полисульфидли минерал ассоциациялари, маъдандан кейинги кварц-кальцитли минерал ассоциацияси билан олтин-кумушли ривожланган.

Қизилқум олтин провинцияси (Кокпатас, Довғизтов, Омонтойтов, Нукракон, Сариботир, Асауқоқ, Косманачи, Биран) конларининг сульфидли маъданларининг умумий захиралари Қизилқум провинцияси маъдани умумий баланс захираларининг 22,25% ини ташкил этади (01.01.2010 йил ҳолати бўйича). Туманнинг истикболлари янги конларни аниқлашни башорат қилишга имкон беради, шу муносабат билан 2012-2016 йилларда ва келажакда 2020 йилгача олтин учун геологик қидирувни кучайтириш режалаштирилган. Мурунтов, Мутенбой, Чукурқудук, Балпантов, Тамдибулоқ, Ажибугут конларининг чуқур горизонтлари ва фланглари, Кокпатас маъдан конининг Жанубий ва Шимолий чеккалари, тўлиқ ўрганилмаган Чармитан, Гузумсой, Ўрталиқ, Маржонбулоқ, Сармич ва бошқа кўплаб конлар Қизилқум олтин маъданли ўлкасининг устувор объекти қаторда турибди. Олтиннинг тасдиқланган захиралари, айниқса учта бир-бирига яқин кон, тоғ-кон саноатида оқилона шарт-шароитларни ривожланиши учун муҳим салоҳиятни ташкил этади ва инвестицияларни жалб қилиш учун асосланган таклифларни тақозо қилади. Жаҳон бозорида олтин нархининг юқорилиги бутун республикада тасдиқланган олтин захиралари таркибини доимий равишда ўзгартиришлар кириб боришга имконият беради ва қийматининг ошишига олиб келади. Ҳукумат томонидан олтин ишлаб чиқаришни кўпайтириш бўйича қўйилган вазифа келгуси йилларда захираларнинг ўсиши учун янги объектларни тайёрлашга оид қидириш ва баҳолаш ишларини кескин кенгайтиришни талаб қилади.

Учинчи боб **“Темир конларининг геологик ва саноат турлари ва Ўзбекистонда қора металллар минерал-хом ашё базасидан фойдаланиш имкониятлари”**. Геология саноатининг асосий вазифаси бўлиб қора металлларни импорт қилиш билан рақобатбардош бўла оладиган қора металлургиянинг ўз хом ашё базасини яратишдан иборатдир.

Темир маъданли конлар ва маъдан намоёнларининг турлари.

Ғарбий Ўзбекистонда ҳар хил турдаги 150 га яқин кичик конлар ва маъдан конлари маълум (жадвал). Бу ерда темир конлари қадимги вақтлардан бери ишлатиб келинган. Жумладан, археологларнинг фикрича, темир эритиш ишлари Шимолий Нурота, Бойсунтов тоғларида, Амударёнинг юқори оқимида, Ҳисорнинг жануби-ғарбий тизмаларида амалга ошириб келинган.

Ғарбий Ўзбекистондаги темир маъданли конларининг таснифланиши

| Генетик гуруҳи | Коннинг тури | МДХ конлари | Ўзбекистондаги кон ва маъдан намоёнлари |
|--|--|---|--|
| Магматик | Магнетитли кам титанли габбро- пироксенит-дунитли интрузив формацияларда | Качканар, Гусевгорск, Первоуральск (Урал), Лисанск (Шарқий Саян) | Тебинбулоқ (Султон-Увайс), Қазгантов (Ҳисор) |
| Контакт-метасоматик | Магнетит оҳақтош-скарнли | Магнитогорск, Благодат тоғи (Урал), Адаев ва б. (Турғай), Чокадамбулоқ (Тожикистон), Ирису (Қозоғистон) | Захкон-Чўянкон (Кухитонг) |
| Вулканоген-чўкинди (стратиформли) | Магнетит-гематитли, чўкинди- вулканоген қатламлардаги гематитли | Каражал (Отасуй гуруҳи, Марказий Қозоғистон), Холзун (Тоғли Олтой) | Темиркон, Чимкўрғон (Учқулоч маъдан худуди) |
| Денгиз чўкиндилари | Гематитли денгиз карбонат-терриген ётқизикларида | Куйи-Ангар (Шарқий Сибир) | Хўжақўл (Султон Увайс), Каскиртов-Чўлқоратов (Буқантов) |
| Континентал чўкиндиларда | Сидерит-лептохлорит-гидрогетитли дарё ётқизикларида (дарё ўзан ва тубидаги) отложениях | Лисаков (Турғай), Толди-Эспе (Шим. Оролбўйи) | Апжур, Бойсун, Кўмирли, Зармас ва б. (Ҳисор) |
| Нураш қобиғи (чўкинди, қайта ётқизилган, инфилтрацион) | Гетит-гидрогетитли, карст бўшлиқларида қайта ётқизилган, Гетит-гидрогетли бокситларда | Алапаев (Урал) | Оқ-Мўлла (Жанубий Нурота) Магнитли, Фужалиқ ва б. (Шим.Нурота). Қайроқ ва б. (Ҳисор) |
| Метаморфик | Токембрий даври темирли кварцитлари | КМА (Россия), Кривой Рог (Украина), Оленегорск (Кола ярим ороли), Карсаклайск (Марказий Қозоғистон) | Можирум, Душак, Кувакия, Арватен (Шим.Нурота), Кенес (Сангрунгов) |

Эндоген титаномагнетит, магнетит-скарн ва магнетит-гематитли (стратиформ) геологик ва саноат турлари Ғарбий Ўзбекистонда амалий аҳамиятга эга бўлиши мумкин (жадвал). Мезозой-кайнозой ёшидаги экзоген чўкинди темир конлари потенциал саноатбоп кон бўлиши мумкин. Кўп йиллик қидириш, баҳолаш ишлари, маъданларни технологик ўрганиш ва геологик-иктисодий баҳолаш натижасида Тебинбулоқ кони (Султон Увайс) қазиб олишга истиқболли объектга айланиши мумкин эканлиги аниқланди. В.В.Баранов ва К.М.Кромскаялар (1966-1970) олиб борган тадқиқотлар натижасида саноат

аҳамиятига эга кон эканлиги ва генетик тури бўйича Қочқанар геологик-саноат турига мансублиги аниқланди. Маъдан танаси Тебинбулоқ интрузивида мужассамлашган бўлиб (пироксенит-габброли комплекс C_1), мантиядан келиб чиққан Урусой ер ёриғининг қуйидевон кремний-карбонат-терриген (бешмозор свитаси) ва вулканоген-карбонат-терриген (жомонсой свитаси) тоғ жинсларидан иборат бўлган синклинал структура зонасида жойлашган. Интрузив тана харитада жанубдан шимолга чўзилган этмолит (эллипс) шаклли, $4,5 \times 1,8$ км ўлчамли, таркибида кам миқдорди габбро ва перидотитлар бўлган пироксенит ва горнблендит тоғ жинсларидан ташкил топган.

Хол-хол маъданлар (97%), зичлашган хол-хол ва массив шаклга эга. Асосий маъдан минерали титаномагнетит бўлиб, таркибида илменитнинг ингичка пўстсимон ўсимтали магнетитдан иборат. Гематит ҳам кўп миқдорда тарқалган. Пирит-халкопирит маъданлашувли маъдан таналарида ҳам, маъдансиз пироксенитларда ҳам туғма шаклдаги олтин ва платина, шунингдек олтин теллуридлари, платина сульфидлари ва арсенидлари аниқланган. Асосий компонентларнинг ўртача таркиби бўйича (темир-16,2%, титан икки оксиди-2%, ванадий беш оксиди-0,15%) Тебинбулоқ кони маъданлари Урал тоғларидаги (Қачқанар, Гусевогорск) конлардан фақат таркибида 1,5 баробар кўп миқдорда титан икки оксиди бўлганлиги билан фарқ қилади. Бундан ташқари уларда платина, олтин излари, кумуш ва палладий мавжуд. Темирнинг 5% миқдори алюмосиликатларда бўлиб уни ажратиб олиб бўлмайди.

ЎОГМРИТИ (ҳозирги МРИ) ва УРАЛМЕХАНОБР (Россия) илмий тадқиқот институтларида ўтказилган технологик синовлар натижасига кўра Қочқанор кон бойитиш комплексига қўлланган схема бўйича бойитиш яхши натижалар бериши аниқланган. Синовларда темир-63,8%, титан икки оксиди-4,6%, ванадий беш оксиди-0,6% таркибли бойитма олинган. Вермикулит бирга учровчи қийматли фойдали қазилма ҳисобланади.

Ушбу турдаги конларнинг генезиси масаласида барча тадқиқотчилар бир овоздан: бу кечки магматик ҳосила деб эътироф этишади (В.И.Смирнов терминологиясига кўра гистеромагматик, 1964). Маъданлашув ультраасосли магматик эритманинг узоқ муддатли совиши, магманинг дифференциацияси ва қимматли маъдан бирикмалари заифлашган зоналарга тўпланган фракцияларини сиқилиши чоғида ҳосил бўлади. Бу зоналар протоматик тектоника натижасида пайдо бўлади. Магматик эритмага кириш йўллари – мантия ёриқларидир.

Темиркон кони 1989 йилда магнит аномалияни бурғилаш вақтида аниқланган бўлиб, эллипсоид шаклли бўлиб, узунлиги 3,2 км ва энига максимал 0,6 км ни ташкил этади. Бурғилаш ишлари натижасида 6 та маъдан танаи аниқланган бўлиб, улар чимқўрғон свитасининг чўкинди-вулканоген тоғ жинслари орасида субпараллел қатламсимон ва линзасимон ётқизиқлар шаклида жойлашган. Барча маъданли таналар қамровчи тоғ жинслари билан бир текис ётиб, қалинлиги 3 м дан 105 м гача, узунлиги 1200-2050 м ва эни 330-600 м ўлчамга эга.

Асосий маъдан ҳосил қилувчи минераллар нисбатига кўра маъданлар учта турга ажратилади: 1-асосан гематитли ($Fe_{\text{магн.}} = 20\% Fe_{\text{жамн.}}$); 2-иккита кичик тур

билан аралаштирилган: а) магнетит-гематитли ($Fe_{\text{магн.}} = 20-50\% Fe_{\text{жами}}$) ва б) гематит - магнетитли ($Fe_{\text{магн.}} = 50-80\% Fe_{\text{жами}}$); 3-асосан-магнетитли ($Fe_{\text{магн.}} > 80\% Fe_{\text{жами}}$). 2-аралаш маъданли тури устунлик қилади.

Маъдан сақловчи тоғ жинслари: афиритик диабазлар, интенсив ўзгарган, қисман скарнлашган (гранат, эпидот) бўлиб, ноаниқ йўл-йўл актинолит-эпидот-хлорит, карбонатлар-кварц-хлорит, гидрослюда-хлорит метасоматитлардан иборат. Маъдан таркиби: маъданли - магнетит, гематит, халкопирит, пиротит, лейкоксен; акцессор - апатит, сфен, камдан-кам циркон; номаъдан - хлорит, кварц, кальцит, гранат реликтлари, альбит, гидробиотит, актинолит, эпидот; томирли - кварц, хлорит, кальцит, камдан-кам баритдан иборат. Маъдан тури гематит-магнетит (магнетитнинг сезиларли устунлиги билан), кўп миқдорда сульфидлидир. Таркиби: $Fe_{\text{магн.}} - 34,14\%$, $Fe_{\text{магн.}} - 0,3-17,8\%$, $S_{\text{сульф.}} - 0,6-6,7\%$, $P_2O_5 - 0,08-0,3\%$.

Таърифланган турдаги маъданлашув генезиси вулканоген-чўкинди деб таърифланади ва дунё объектларида жуда яхши ўрганилган (Димки, Пругер, 1980, Пономарев, 1969, Бутузов, 1969, Зеленов, 1972). Темиркан конида минераллашув генезиси Л.М.Крикунова томонидан ўрганилган.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, маъданнинг асосий қисми чўкинди жинслар ҳосил бўлган даврда фаол вулканизм тўхтаган вақтда тўпланган.

Чимқўрғон кони Писталитов тизмасининг шимоли-шарқий қисмида Илғор тизмасида Темиркан конидан 30 км шарқда жойлашган. Чимқўрғон конининг ҳудудий ҳолати Темиркон маъдан конига ўхшайди. Уларнинг иккаласи ҳам бир хил тектоник тузилмалар ичида жойлашган ва деярли бир хил шароитларда (геологик-структуравий ва стратиграфик-литологик) шаклланган ва шунинг учун такрорланишни олдини олиш учун биз объектнинг қисқача тавсифи билан чекланамиз.

Мезозой ётқизикларидаги чўкинди темир маъданли тур. Ушбу турдаги минерал-хом ашё бир қатор объектив сабабларга кўра саноатдан фойдаланиш соҳасида иштирок этмаган (металлургияда фойдаланиш учун маъданни бойитиш технологик жараёнининг мураккаблиги, совет даврида металлургия, цемент ва бошқа турдаги темир истеъмол қилувчи саноатнинг Россия, Қозоғистон ва бошқа ўлкалардан келтириладиган хом ашё билан таъминланиши). Маъданлар паст навли, юқори фосфор миқдори билан бойитилиши қийин ва цемент таркибидаги қўшимчалар учун хом ашё сифатида, маъданли керамика, ўтга чидамли ғишт, охра ва бошқаларни ишлаб чиқариш учун тавсия этилади. Илғари Марказий Қизилқумларда бўр ва юра ётқизиклари асосининг бўш чўкинди жинслари билан чегараланган темир минерализацияси истиқболларини баҳолашни талаб қиладиган 7 та объект аниқланган. Маъданлар ғудда тавсифига эга, гётит, гематит, лимонитдан ташкил топган бўлиб, кўпинча фауна, дарахт таналари ва бошқалар ўрнини эгаллайди. Тугунларнинг катталиги ва уларнинг шакллари жуда хилма-хил (узунлиги 1-2 см дан 3-5 см гача, диаметри 20-50 см гача, девор қалинлиги 5-6 см гача) темир маъданли қатламлари оч яшил гилли ва лойли қумтошлар қатламларида жойлашган. қалинлиги 5 дан 20 м гача, тўғридан-тўғри палеозойнинг эрозияланган юзасида ётади. Тугунчалардаги умумий Fe_2O_3 миқдори 44 дан 82,6% гача бўлади.

Ўзбекистон Республикаси темир маъданларининг минерал-хом ашё базасини яратиш учун қуйидаги конларда геология-қидирув ишларини давом эттириш зарур:

Тебинбулоқ конининг ғарбий қисмидаги заҳиралар чегараларини кенгайтириш ва шарқий қисмида баҳолаш ишлари йўналиши бўйича, башорат ресурсларини мақбул қидирув кондициялари билан “саноатга оид” даражасига ўтказиш;

темир таркибили барча конлар учун энергия тежайдиган технологияларни ҳисобга олган ҳолда темир миқдори паст бўлган маъданларни бойитиш ва қайта ишлашнинг замонавий технологик тадқиқот ўтказиш бўйича лаборатория ва саноат синовларини ўтказиш.

Тўртинчи боб **“Ғарбий Ўзбекистон маъданлашув ва статистик металлогеник баҳолашнинг асосий хусусиятлари”**. Вольфрам маъданли объектлар Ғарбий Ўзбекистоннинг иккита геологик ва иқтисодий минтақасида жойлашган:

– Самарқанд (Ингичка кони билан Зирабулоқ маъданли майдонида, Чақилқалонда - Яхтон, Қоратепада-Қоратепа, Шимолий Нуротада-Қўйтош, Жанубий Нуротада -Лангар); скарн типидagi бу конлар Жанубий Тиёншоннинг Зарафшон-Туркистон металлогеник зоналаридаги C_3-P_1 гранитоидларига боғланган;

– Қизилқумда (Турбой маъданли майдонида Саритов ва Саутбой жанубий Букантов зонаси Жанубий Тиёншон); кўрсатилган объектлар штокверкли ва апоскарн-скарнлашган типига мансуб.

Вольфрамли апоскарн-скарнли тур.

Саутбой кони Жанубий Букантовнинг Турбой тоғининг ғарбий қисмида жойлашган. Саутбой маъдан майдонининг контури тахминан гравимагнитик маълумотлар ва контакт метаморфизм ореоли ҳосиласи, шеелит ва вольфрамнинг шлихли ва литогеохимик аномалиялари билан белгиланган яширин гранитоид интрузив контурига тўғри келади. Саутбой кони протерозойнинг(?) гранитоид штокиннинг экзоконтактидаги метавулканоген чўкинди ётқиқиқларига боғланган. Маъдан қамровчи тоғ жинслари мажмуаси штоклар, дайкалар, флексурсимон адамеллит гранитлар C_3-P_1 ёриб чиққан бўлиб, улар турли хил таркибдаги гранитоиддан олдин ва кейин бўлган магматик ҳосилаларга бой комплекси билан, бир-бирига юзланган ва схемасида эллипс шаклида асосан икки бошқа магма назорат структуралари жамланган, одатда ранг-баранг таркибли яширин гранитоид интрузивининг чуқур проекциясидан ташкил топган. Энг қадимги майдондаги дайка ҳосилалари – микродиоритлар, керсантитлар ва спессартитлардир. Улар гранитоидлар билан экзоконтактларда роговиклашган ва лейкогранит томирлари билан кесишишади. Улар биргаликда кўп қисмли бир-бирига яқин кичик қалинликдаги шимоли-ғарбга йўналган дайкаларни ташкил этади.

Юзадаги адамеллит-гранит мажмуаси шимолий ёй тузилишининг шарқий қисмида жойлашган 200-300 м кенгликдаги учта изометрик чиқиш жойлари билан ифодаланади. Қудуқлар билан кенглик ва шимоли-ғарбий тузилмаларни тўлдирадиган кўплаб дайкалар ва бармоқ шаклидаги гумбазли апофизлар,

эгилишлар ва камровчи жинслар очилган. Мураккаб таркибида биотитли гранитлар устунлик қилади, штокларнинг апикал қисмларида лейкогранитлар ва аплитлар томирлари ва дайкалари кенг тарқалган.

Қуйи перм диоритлари, диорит порфиритлари, тоналит порфиритлари, кварцли диорит порфиритлар алоҳида дайкалар, уларнинг тўпламлари, қалинлиги 1-8 м гача, 2x1 км параметрли кенглик камари шаклида бўлган кенгайиб тармоқланган дайкасимон таналарни ташкил қилади. Улар асосан биотит турлари билан ифодаланади, кўпинча хлоритлашган ва албитлашган. Улар бурмали тузилмаларга нисбатан кесиб ўтувчи вазиятда бўлиб, гранитоидлар орасида қайд этилган. Дайкаларнинг зичлиги 5-10 дан 100 п.м гача етади. Майдоннинг ғарбий қисмида шартли қуйи триас ёшига мансуб ишқорий базалтоидлардан ташкил топган. Улар минетт ва спессартит-вогезитларнинг ягона дайкаларидан ифодаланган.

Конда 10 га яқин скарн-маъданли таналар ўрганилган. Уларнинг қалинлиги 3 дан 30 м гачани ташкил қилади, вольфрам уч оксидининг ўртача миқдори 0,05 дан 3,0% гача. Маъдан таналари узунлиги бўйлаб 100 дан 400 м гача, ётиши бўйлаб 500-600 м гача кузатилади. Саутбой маъдан майдонида минераллашувнинг скарн туридан ташқари, роговиклашган тоғ жинсларидаги молибден-сульфид-шеелитли кварц-дала шпатли маъданлашув аниқланган. Штокверкнинг ўлчамлари 1,5x0,3 км. Скарнли ва штокверкли маъданлашув турлари (Сагинкон майдони) мураккаб уйғунлашган маъданли таналарни ташкил этади.

Маъдан танасига яқин ўзгаришлар шеелитни ўз ичига олган метасоматитларнинг майда томирли зоналари ва уларга қўшни модификацияланган жинслар блоклари шаклида кенг намоён бўлади. Иккинчисининг бирламчи таркибига қараб ассоциациялар ҳосил бўлади: амфибол, флогопит, кварц, пиротит (метавулканоген жинслар бўйича), кварц, микроклин, мусковит, молибденли пирит ва фторит (метатерригеноз бўйича). Бундай майда томирланган зоналар интрузив юзадан 300-400 м гача вертикал ораликдаги жинсларини қоплайди. Уларнинг скарн таналари билан бирикишида маъданли таналарнинг қувватининг ва вольфрам концентрациясининг ортиши қайд этилади.

Маъдан таналарининг минерал таркиби кўп компонентли. Магнезиал скарнлар асосан диопсид, камроқ форстерит билан устма-уст флогопит, тремолит, серпентинит, охактошли скарн-салитдан, камроқ гранат, кварц, калцит, плагиоклаздан ташкил топган. Гипоген маъданли минералларга шеелит, молибден, пиротит, пирит, халкопирит, арсенопирит, сфалерит, галенит, висмутин, антимонит, соф олтин, кумуш, висмут киради.

Маъданли жинсларнинг геокимёвий таркиби вольфрам, мис (0,1%), рух (0,03%), висмут (0,04% гача), олтин (0,25-1,5 г/т), кумуш (1-5 г/т), молибден (0,01%)дан ташқари концентрациясининг ортиши билан тавсифланади. Маъданларнинг асосий фойдали таркибий қисмлари олтин, висмут, мис бўлиб, улар технологик тадқиқотларга кўра сульфид концентратидан олиниши мумкин. Одатда маъдан минераллари тарқалишининг ўзига хос хусусиятларига мос

келадиган геокимёвий зоналик кетма-кетликка (пастдан юқорига) мос келади: молибден-вольфрам-мис-рух-қўрғошин, сурма, маргимуш-кумуш.

Таъкидлаш жоизки, конининг жануби-шарқий қисмида (Бургут майдони) скарнлашган ва маъдан атрофидаги метасоматитларда олтин концентрациясининг кескин ўсиши кўринади.

Маъданлашувнинг вертикал кўлами – 500 м дан ортиқ (кон кучсиз емирилган).

Вольфрамли дала шпати-кварцли штокверк тур.

Саритов кони 1979 йилда очилган бўлиб, Жанубий Букантовдаги Турбой тоғининг шарқий қисмида жойлашган. Маъмурий жиҳатдан Навоий вилоятининг Учқудуқ туманига тегишли. Унинг барча қазиб олиш ва иқтисодий хусусиятлари Саутбой конига ўхшайди ва у билан узунлиги 30 км бўлган тупрок йўл боғлайди. Саритов маъдан майдони Турбой маъдан худудининг чекка қисмида жойлашган. Маъдан конининг регионал ўрни шимоли-ғарбий бўйлама магмани назорат қилувчи камарнинг юқори даражада ўтказувчан ва пойдеворнинг шимоли-шарқий магма тўпловчи чуқур ёриғи участкасида ёйсимон ва гумбаз-ҳалқали структуралар билан мураккаблашган участкасида аниқланади. Маъдан камровчи жинслар мураккаб ритмик равишда қурилган метавулканоген-карбонат-кремнийли-терриген қатламлари рифей-кеч герцин ёшидаги гранитоидлари ва дайкалар томонидан ёриб чиққан.

Маъдан майдонининг чегаралари куйидагилардан иборат: шимолдан – Турбой кўтарилиши, жанубдан – Саритов интрузивининг Жанубий экзоконтакти, шарқдан – Қўтиртос граносиенит массиви, ғарбдан – гранитоиддан кейин дайка камарларининг тутатиши ва контакт метаморфизм ореолларининг сўниш жойидир. Саритов кони худди шу номдаги гранитоид штоки ва маъдан майдонининг шимолий қисмидаги шимолий ва ғарбий экзоконтактлар билан чегараланган. Коннинг чўкинди-метаморфик қатламлари бўлими мураккаб фашиал қурилган Кокпатос формациясига (R_3) тегишли бўлиб, унинг умумий қалинлиги 1,5 км дан ошади. Маъдан майдонининг магматик ҳосилалари иккита комплекснинг ҳосилаларидан иборат: габбро-граносиенит (C_3) ва гранодиорит-адамелит (C_3 - P_1). Биринчиси, минтақавий тарқалишга эга бўлган диоритлар ва лампрофирларнинг Қўтиртос интрузив ва субишқорли дайкалари билан ифодаланади.

Маҳсулдор гранодиорит-адамелит комплексига Саритов интрузив ва аплитларнинг чекланган ривожланиши билан бир хил номдаги шток, шунингдек, турли таркибли дайкалар комплекси киради (Ушаков ва б., 1989) интрузив шифтига ўхшаш баландликларини маҳкамлайдиган ёй шаклидаги дайка камарларини шакллантиради.

Структуравий ва морфологик жиҳатдан Саритов маъдан кони планда изометрик шаклга ега бўлган чуқур ётувчи интрузив (1-2 км)нинг бўртиб чиқиши билан чегараланади. Гравиметрик маълумотларга кўра, ушбу интрузивнинг илдиз қисми маъдан майдонининг Марказий қисмида қабул қилинади. Сиртда бу илдиз тузилиши ёйсимон камарларининг (Шимолий ва Жанубий) ёй тақсимоти билан таъкидланган бўлиб, уларнинг комбинацияси маъдан майдонининг

Марказий қисмида, унинг контурларига нисбатан носимметрик бўлган катта ҳалқа тузилишини морфометрик равишда очиб беради.

Маъдан майдонидаги интрузивнинг умумий шакли варонкасимон шаклига эга. Ушбу структуранинг шимолий ёй шаклидаги қисми ғарбда Қўрғонтов қисмидан шарқда Бектошгача бўлган гравимагнит майдонларда аниқ намоён бўлади. Ушбу жойларда қатлам усти чуқурлиги мос равишда 500-700 м ва 300-500 м деб тахмин қилинади. Гранитоиддан кейин дайкалар маъдангача (адамелит-порфир-микрогранодиоритлар) ва маъданли (гранодиорит-порфир, диорит порфир, сферолит-порфир ва плагиофирлар)га бўлинади. Ўз навбатида, маъдандан кейинги дайкалар полиметалл минерализацияли березитизация жараёни билан қопланади.

В.Н.Ушаков ва бошқаларнинг хулосасига кўра, асосий метаморфик ва гидротермал-метасоматик ҳосилалар: роговикланиш ореоллари, скарнланиш, кварц томирлари, гумбеитлар, пропилитлар ва березитларнинг тарқалиш майдонлари.

Вольфрам маъданлашуви Саритов кони ва бир қатор намоёнлар (Бектош, Жанубий Саритов, Шарқий Ғазғон) билан ифодаланади. Саритов кони гранитоидларнинг граптолитга ўхшаш таналардаги экзо-эндоконтактида ўтказувчанлиги ортган кучли зона билан қамровчи жинсларнинг флексурал эгилишининг конюгация зонаси билан чегараланади.

Маъданлашув уч морфологик ва минералогик типдан иборат бўлиб: апомагнезиал-оҳактошли-скарн ва скарноид (апоскарн-скарноид геологик-саноат типи) формацияси, кварц-биотит-калий шпат (дала шпати-кварц) штокверкли (Ушаков, 1991). Магнезиал скарнлар (диопсид, форстерит, тремолит, флогопит), оҳактошли апомагнезиал скарнлар ва апороговик скарнлар (силит, гранат, плагиоклаз, кварц), гранитоидлар (кварц, калишпат, флогопит, карбонат, фторит), метавулканитлар ва скарнлар (амфибол, кварц, флогопит, албит) бўйича шеелитли юқори ҳароратли метасоматитлар), паст ҳароратли метасоматитлар (кварц, калцит, хлорит, серицит, халкопирит, арсенопирит, галенит, сфалерит, висмутин ва бошқалар.).

Маъдан таналарининг геохимёвий таркиби (скарн ва штокверк) молибден, олтин, висмут, мис концентрацияларининг кўпайиши (вольфрамдан ташқари) билан тавсифланади. Геохимёвий зоналик колоннага (пастдан юқорига): молибден-вольфрам-қалай-мис-қўрғошин-сурма киради.

Бугунги кунга қадар ўрганилган Саритов конининг вольфрам уч оксиди захиралари апоскарн-скарноид тури билан ифодаланади. Коннинг маъданлари таркибида молибден - 0,01% ва олтин - 0,36 г/т ҳам бор.

Умуман Саритов конининг вольфрамли минерализацияси (шу жумладан Бектош ва Кургантов жойлари) қатлам устини тиклаш маълумотларига мувофик заиф ўтказувчан углеводли флинтлар ва кварцитларнинг кучли “ғилофи” остида тўпланган. Умумлаштирилган шаклда минерализацияланиш - илдиз қисми чуқурликда кириб борувчи ва скарн-скарноидли шляпа кўринишдаги кўзқорин шаклига эга.

Хулоса қилиб айтганда, Саритов кони Самарқанд тоғ-кон худудидаги қалай-вольфрамли формацияга тегишли бошқа вольфрам объектларига

қараганда бир қатор ўзига хос хусусиятлари билан катта миқёсдаги молибден-вольфрам турига мансуб:

эрта гранитоид консолидацияли;

турли ёшдаги ва турли чуқурликдаги гранитоидли таналари ва дайкали занжир белбоғлари билан бирга келувчи регионал чўзилиш зоналарига тўғри келиши;

палеовулқон структуралар ва гранитоидли таналарнинг мужассамлашиши;

ҳалқасимон плутонлар;

аниқ белгили фтор-молибденли ихтисослашув.

ХУЛОСА

Тадқиқот натижалари асосида қуйидаги асосий хулосаларни чиқариш мумкин:

1. Башорат қилиш ва излаш ишларини янада муваффақиятли амалга ошириш учун геодинамик реконструкциянинг янги йўналишдаги замонавий базасига ҳамда геология ва металлогенияни батафсил ўрганишга ўтиш керак. Геодинамик тузилмалар ривожланишининг металлогеник хусусиятлари, уларнинг шаклланиш ҳолатлари ва шароитлари қуйидагилар билан боғлиқ:

- микроконтинентлар ва палеоҳавзаларнинг турли литодинамик муҳитларидаги чўкинди ва вулканоген-чўкинди жараёнлари билан бўлгани каби континентал ва палеокеаник турлари бўлган жойларда, ҳамда палеоокеаннинг энсиматик ёйлари ва темир-марганец тугунлари ва магнетит-гематит маъданлашуви билан ўтувчи чекка-континентал ва шельф қисмларига ҳам;

- титан-магнетитли, олтинли мис-колчедан ва рух-мис-колчедан маъданлашувни ўз ичига олган спрединг зоналарида ва энсиматик орол ёйларидаги базальт профилининг магматик жараёнларига;

- олтин, олтин-кумуш, вольфрам-қалай маъданлашувни ўз ичига олган субдукция ва гранитоид камарларига;

- пастки қобиқ ва юқори мантия ўчоқларини очилишига, магма ва флюид оқимларини коллизион тузилмаларнинг ўтказувчан зоналарига олиб чиқилишига ва олтин, кумуш ва вольфрам маъданлашувнининг йирик саноат концентрациясини шакллантиришга сабаб бўлган коллизиядан кейинги фаолликларига;

- олмосли ишқорий базальтоидларнинг портлаш мўрилари ва магматик дайкалар орқали аниқланадиган рифтоген жараёнларига.

2. Конларнинг саноат турларини тавсифловчи ва уларнинг формацион мансублигини ҳисобга олган ҳолда маъданли фойдали қазилма конларини геологик-саноат турларига ажратиш амалга оширилган. У маъдан таналари морфологиясини, маъдан қамровчи жинсларни, саноат усулида қайта ишлаш жараёнига таъсир қилувчи маъданлар турларини, маъданларнинг асосий ва бирга учровчи фойдали компонентлари ва конларни қазиб олишнинг кон-техник шароитларини тизимлаштиришни ўз ичига олади.

3. Турларга ажратишда Ғарбий Ўзбекистондаги конларни ўрганишнинг ҳозирги ҳолатини ақс эттирувчи объектив (структуравий-морфологик ва таркибий) белгилар, ҳамда кўплаб иқтисодий кўрсаткичлар асос бўлган. Мазкур белгилар уйғунлиги асосида типоморф белгилари, сульфидланиш даражаси, эркин ёки “қайсар” металлнинг, зарарли унсурларнинг мавжудлигига қараб маъданнинг сифати ва мақбул технологик қайта ишлаш имкониятларига ҳамда маъданлашув кўлами ва уни қазиб олиш усулини баҳолашга ёндашув белгиланади.

4. Ғарбий Ўзбекистондаги маъданли конларнинг қуйидаги геологик-саноат турлари ажратилган:

- олтин: олтин-сульфидли, (Мурунгов, Чармитан), олтин-сульфид-кварцли (Маржонбулоқ, Балпантов, Сармич);

- вольфрам: вольфрам-скарнли (Ингичка), вольфрам-апоскарн-скарнли (Саутбой), вольфрам-далашпати-кварцли-штокверкли (Саутбой);

- темир: титан-магнетитли (Тебинбулоқ), магнетит-гематитли (Темиркон);

5. Чармитон, Маржонбулоқ, Сармич, Аджибугут олтин, Ингичка, Саутбай, Саутбай вольфрам, Тебинбулоқ, Темиркон темир эталон конлари батафсил ифодаланади.

6. Қимматбаҳо, ноёб ва қора металлларнинг энг йирик эталон конларини тўлиқ тавсифланганлиги (шаклланиш омиллари ва уларни аниқлашнинг қидирув белгилари комплекслари тўғрисидаги маълумотлар билан) маъдан майдонлари ва конларини комплекс башорат қилиш-излаш моделларини ишлаб чиқиш, яширин ва ёпиқ истиқболли объектларни излаш ва баҳолаш учун мустақкам назарий асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

7. Кўплаб турдаги олтин конлари, жумладан майда масштабдаги конлари учун геологик-иқтисодий баҳо берилган. Бунда қуйидаги маълумотларга таянилган: конларнинг геологик-саноат тури, объектнинг структуравий-геологик ҳолати, маъдан таналари ва зоналарининг морфологияси, маъдан қамровчи жинслар, уларнинг ёши ва таркиби, маъдан олди ўзгарган тоғ жинслар, маъдан таналарининг ўлчами, саноатбоп маъданларнинг минерал ва кимёвий таркиби, асосий фойдали компонентлар ва уларнинг ўртача миқдори, зарарли компонентлар, маъданни қайта ишлаш технологияси ва металл ажратиб олиш даражаси, объектни ўзлаштиришнинг усули ва рентабеллигини асослаш, бошқа маълумотлар.

8. Ғарбий Ўзбекистондаги олтиннинг башорат ресурсларини умумлаштириш ва таҳлил қилиш, уларни геологик-иқтисодий баҳолаш, маълум бўлган маъданли майдонлардаги захираларни кўпайтиришнинг истиқболларини белгилаш янги маъданли майдонларда конлар аниқлашга қаратилган узоқ муддатли геология-қидирув ишларини ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш имконини беради.

9. Олтин конларининг геологик-саноат турлари ва эталон (Чармитон, Маржонбулоқ, Сармич, Аджибугут) конларнинг муфассал тавсифи истиқболли объектлар ва майдонларни олтин таркибли эканлигини қиёсий жиҳатдан баҳолашга имкон беради.

10. Палеозой қатламларида темир конларининг уч хил: титаномагнетит (Тебинбулок); магнетит-скарн (Суренота); магнетит-гематит (Темиркан) геологик-саноат турларини аниқлаш Ўзбекистон Республикасида қора металлургиянинг хом ашё базаси учун асос яратишга ёрдам берган.

11. Республикадаги вольфрам конларининг асосий потенциал саноат турлари скарнли ва апоскарн-скарноидли бўлиб қолмоқда. Гумбеитли тури катта конлар учун асосан индикатор аҳамиятга эга бўлиб, ижтимоий-географик-иктисодий жиҳатдан қулай ҳудудларда ўзлаштириш имконини бериши мумкин. Республикадаги қайд этилган вольфрам захиралари 147,8 минг тонна деб баҳоланмоқда, башорат ресурслари эса 60 минг тоннадан кўпроқни ташкил этади.

12. Ғарбий Ўзбекистонда башорат ресурслари аниқланган бир нечта истиқболли вольфрам майдонларини ажратиш мумкин.

13. Самарқанд маъданли ҳудуди. Шимолий Ингичка истиқболли майдонида 1000-1100 м чуқурликкача вольфрам захиралари ва ресурслари аниқланган. Шарқ томонида 1500 м чуқурликда қўшимча ресурсларни аниқлаш имкони мавжуд. Маъданли майдоннинг структуравий моделини яратишда унинг жанубий-шарқий қисмида, Жин сурилмасининг шарқий чеккасида янги истиқболли позициялар мавжудлиги аниқланган. Уларнинг истиқболи Овхонасой майдони (кондан 10 км шимолда) ва Тим-Калта чизиғидаги аҳамияти тегишли даражада бўлмаган кварц-скарн-шеелитли штокверк, ҳамда Тим намоёни шимолидаги Зирабулок интрузив остидаги – неостереотип маъданлашувни аниқлаш имкониятларига боғлиқ.

14. Қўйтош интрузиви ва карбон даври карбонатли горизонт экзоконтакти зонасининг жанубий-шарқий қисмидаги контактли ва комбинациялашган вольфрамли таналар (Сунаксой участкаси) 300-500 метр чуқурликда мавжудлиги кутилмоқда.

15. Кембрий даври гилли-карбонат формациясидаги қатламсимон скарн маъданли таналарнинг тарқалишига Қўйтош маъданли майдонининг (700-1000м чуқурликдаги ораликда) умумий истиқболи ҳам боғлиқлиги, конни физик-геологик моделлаштириш жараёнида аниқлаштирилган. Қўйтош тоғ-кон мажмуаси учун қўшимча хом ашё базаси ёки алоҳида қазиб олиш объекти бўлиб Чақилкалон маъданли ҳудудидаги Гушсой ва Хожадиқ каби кичик конлар маъданлари хизмат қилади. Аммо Турангисой маъданли майдонидаги маъдан таркибида вольфрам уч оксидининг миқдори фоизларни ташкил қилувчи Туранги ва Турпокли намоёнлари катта қизиқиш уйғотади.

16. Қизилқум маъданли ҳудуди. Асосий башорат ресурслари Турбой маъданли майдони билан боғлиқ. Саритов маъданли майдони истиқболлари иккита магма-назорат қилувчи ёйли структуралар билан боғлиқ. Салоҳиятли кон даражасидаги участкалари маҳсулдор карбонат фациялар ривожланган палеовулканик тузилмаларнинг кесишиш тугунларида билан чегараланади. Булар Саритов конининг шарқий чеккаси; шимолий дайкали камардаги Қўрғонтов ва Жанубий Бектош участкалари, жанубдаги Жанубий Саритов ва Шимолий Казган участкаларидир.

17. Ўзбекистон манфаатлари юқори ликвидли олтин, вольфрам, темир, ёқилғи-энергика хом ашёси ва бошқа турдаги фойдали қазилмалар активларини тўплашни, ер қаъридан захираларни қазиб олиш ва такрор ишлаб чиқариш суръатларининг барқарорлаштириш ва ўсишини таъминлашни талаб қилади, бу эса бозор иқтисодиёти шароитида геология-қидирув ишларини фақат устувор йўналишларда жамлашни тақозо этади.

18. Ғарбий Ўзбекистонда маъданлашувнинг янги ноанъанавий турларини аниқлаш имкониятлари мавжудми? Шубҳасиз, бундай имкониятлар мавжуд. Шундай қилиб, ҳозирги вақтда АҚШнинг Невада штатида ва бошқа баъзи минтақаларда кенг тарқалган Карлин туридаги олтин минерализациясига эътибор қаратилмоқда. Бу турдаги конлар оҳақтош-сланец қатламлари билан чегараланган ва кўринмас жуда нозик олтин микдорлари (микрон, нано-ўлчам) билан ифодаланади.

19. Ўзбекистонда бундай минераллашув баъзи тадқиқотчилар эътиборни тортган. Шунга ўхшаш геологик тузилишга эга ва Карлин типидagi минерализацияни аниқлашнинг тегишли геологик шароитлари ва истиқболлари Букантов тоғларида, Кўкпатос-Оқжетпес тренди атрофларида мавжуд.

20. Ўзбекистон ва унинг Қизилқум маъданли минтақаси ХХІ асрда фойдали қазилмаларнинг ўзлаштирилаётган ва тайёр йирик захира хом ашё базасига, захираларни кўпайтириш учун муҳим бўлган башорат ресурсларига эга. Келгусида ер қаърини тизимли ва ҳар томонлама пухта ўрганиш орқали олтин, вольфрам, темир ва бошқа фойдали қазилмалар конларининг геологик-саноат турларини мунтазам кенгайтириб бориш Ўзбекистон минерал-хом ашё базасини параметрларини нафақат сақлаб қолиш, балки уларни янада ошириш имконини беради.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.24/30.12.2019.GM.40.01
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ГУ «ИНСТИТУТ
МИНЕРАЛЬНЫХ РЕСУРСОВ»**

ГУ «ИНСТИТУТ МИНЕРАЛЬНЫХ РЕСУРСОВ»

АХМЕДОВ НУРМУХАММАД

**ГЕОЛОГО-ПРОМЫШЛЕННАЯ ТИПИЗАЦИИ И КРИТЕРИИ ОЦЕНКИ
ПЕРСПЕКТИВ НА ЗОЛОТО, ВОЛЬФРАМ И ЖЕЛЕЗНЫЕ РУДЫ
ЗАПАДНОГО УЗБЕКИСТАНА**

**04.00.02 – Геология, поиски и разведка месторождений твердых полезных ископаемых.
Металлогения и геохимия**

ДОКТОРСКАЯ ДИССЕРТАЦИЯ В ВИДЕ НАУЧНОГО ДОКЛАДА

Ташкент - 2022

Тема диссертации доктора наук (DSc) в виде научного доклада зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером B2022.3.DSc/GM52.

Докторская диссертация в виде научного доклада выполнена в ГУ «Институт минеральных ресурсов».

Диссертация в виде научного доклада на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.gpimr.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net).

| | |
|-------------------------------|--|
| Научный консультант: | Антонов Александр Евгеньевич доктор геолого-минералогических наук, профессор |
| Официальные оппоненты: | Турапов Мирали Камалович доктор-геолого-минералогических наук, профессор |
| | Разиков Одил Тахирджанович доктор-геолого-минералогических наук |
| | Миркамалов Рустам Хамзаевич доктор-геолого-минералогических наук |
| Ведущая организация: | АО «Навоийский горно-металлургический комбинат» |

Защита диссертации в виде научного доклада состоится «1» ноября 2022 года в 10⁰⁰ часов на заседании Научного совета № DSc.24/30.12.2019.GM.40.01 при Институте минеральных ресурсов, (Адрес: 100164, г.Ташкент, ул. Олимлар 84. Тел.: (99897) 741-24-80, e-mail: info@gpniimr.uz, gpniimr@exat.uz)

С докторской диссертацией в виде научного доклада можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института минеральных ресурсов (зарегистрирован за № 9 . (Адрес: 100164, г. Ташкент, ул. Олимлар, 84. Тел.: (99897) 741-24-80).

Диссертация в виде научного доклада разослана «__» _____ 2022 года.
(реестр протокола рассылки № __ от «__» _____ 2022 года).

М.У. Исоков

Председатель Научного совета по присуждению
ученых степеней, д.г.-м. н.

Н.М. Хакбердиев

Ученый секретарь Научного совета по присуждению
ученых степеней, доктор философии (PhD) по г.-м. н.

М. М. Пирназаров

Председатель научного семинара при Научном
совете по присуждению ученых степеней, д. г.-м. н., профессор

ВВЕДЕНИЕ

(аннотация докторской диссертации в виде научного доклада (DSc))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мировой практике, в связи с тенденцией сокращения легкодоступных запасов разрабатываемых месторождений рудных полезных ископаемых, увеличение их сырьевого потенциала за счет выявления новых перспективных позиций на флангах имеет особо важное значение. В этом аспекте геолого-промышленная типизация месторождений рудных полезных ископаемых является важным критерием для прогнозирования и поисков новых перспективных площадей. В связи с этим выделение геолого-промышленных типов месторождений и научное обоснование оценки перспектив новых площадей являются приоритетной задачей.

В настоящее время в развитых странах мира проводятся исследования, направленные на выделение месторождений рудных полезных ископаемых на геолого-промышленные типы. В частности, особое внимание уделяется выявлению основных этапов формирования и особенностей локализации оруденения, систематизацию данных по металлогеническим, минералогическим, геохимическим, текстурным показателям зональности рудоотложения и факторам, определяющим геолого-промышленные типы месторождений и оценке их перспектив. Широкое применение современной теории геодинамики и рудообразования, выделение геолого-промышленных типов рудных месторождений дают возможность с новых позиций рассмотреть ранее изученных регионов, могут способствовать выявлению новых объектов и расширению площади поисков.

В республике осуществляются ряд мероприятий, направленных на расширение и воспроизводство минерально-сырьевой базы. В результате подготовлены к промышленному освоению более 50 месторождений золота, вольфрама, меди, железа и урана, проводятся масштабные геологоразведочные работы по поиску новых месторождений на перекрытых территориях. В стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан определены меры «...обеспечению комплексного и эффективного использования природного и минерально-сырьевого потенциала отдельных регионов...»¹. В этом отношении важное значение приобретает проведение научно-исследовательских работ по геолого-промышленной типизации месторождений рудных полезных ископаемых республики и выявление благоприятных позиций золотого, вольфрамоого и другого оруденения.

Данное диссертационное исследование в определенной мере служит выполнением задач, предусмотренных Указом Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 г. № УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», Постановлениями Президента Республики Узбекистан: от 1 марта 2018 г. № ПП-3578 «О мерах

¹Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 г. № УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

по коренному совершенствованию деятельности Государственного комитета Республики Узбекистан по геологии и минеральным ресурсам», от 8 июня 2020 г. №ПП-4740 «О мерах по организации деятельности университета геологических наук в системе государственного комитета Республики Узбекистан по геологии и минеральным ресурсам» и от 21 апреля 2021 года №ПП-5083 «О дополнительных мерах по активному привлечению инвестиций в сферу геологии, трансформации предприятий отрасли и расширению минерально-сырьевой базы республики», а также в других нормативно-правовых и инструктивно-методических документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики Узбекистан. Данное исследование выполнено в соответствии с требованиями приоритетных направлений развития науки и технологий республики – VIII «Науки о Земле (геология, геофизика, сейсмология и переработка минерального сырья)».

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации².

Широкомасштабные научные исследования, направленные на систематику рудных месторождений и выделение главных геолого-промышленных типов, проводятся в ведущих научных центрах и образовательных учреждениях, в т. ч.: U.S. Geological Survey (США); Centrefor Global Metallogeny (Австралия); в Центральном научно-исследовательском геологоразведочном институте цветных и благородных металлов (ЦНИГРИ, Россия); во Всероссийском институте минерального сырья (ВИМС, Россия); Society geological de France (Франция); Centre for Russian and Central Euro Asian Mineral Studies (Великобритания); Geological Survey of Canada (Канада); Chinese Academy of Geological Sciences (Китай), в институте геологии и геофизики им. Х.М. Абдуллаева (Узбекистан); в институте минеральных ресурсов (Узбекистан).

В результате проведенных мировых исследований по выделению основных геолого-промышленных типов рудных месторождений, условий их размещения в различных временных геодинамических обстановках получен ряд научных результатов, в т.ч.: установлен структурный и литологический контроль локализации оруденения на территории Канадского щита (Geological Survey of Canada, Канада); определена продуктивность восточного окончания Тянь-Шаня (Chinese Academy of Geological Sciences, Китай); разработан комплекс критериев прогноза и поисков месторождений (ФГБУ «ЦНИГРИ», Россия), систематизированы геолого-промышленные типы главнейших рудных месторождений: железа, цветных металлов и золота. охарактеризованы основные рудные формации отдельных металлов (ВИМС, Россия); установлена минерагеническая специализация структурно-вещественных комплексов, обусловленных многоэтапностью формирования в различных геодинамических

²Обзор иностранных научных исследований по теме диссертации произведен на основе: <http://www.Elscvier.com>; www.geokniga.org; www.MantlepluiTies.org; www.eariiplumes.org; <http://www.researchgate.net>; www.gei-earth.com. и другие.

обстановках; систематизированы геолого-промышленные и рудноформационные типы золоторудных и золотосодержащих комплексных месторождений Узбекистана (ИМР, Узбекистан).

В настоящее время ведутся научно-исследовательские работы по приоритетным направлениям в области геолого-промышленной типизации рудных месторождений, условий их размещения в различных временных геодинамических обстановках. В частности, проводятся геолого-структурный анализ условий размещения оруденения, изучение минерального состава и определение форм нахождения золота, вопросы пространственных связей перапективных на алмазы позиций с титаномagnetитамы в корневых частях интрузий ультраосновного состава, золото-сульфидным оруденением с эксплозивными брекчиями трубок взрыва в щелочных магматических породах имеют особо важное значение.

Степень изученности проблемы. Исследования, посвященные геологическому строению условиям образования и закономерностям размещения, геолого-промышленной типизации золоторудных, вольфрамовых и железорудных месторождений Южно-Тянь-Шаньской зоны, проводились многими учеными ведущих научных центров мира и нашей республики, в том числе Х.М.Абдуллаевым, И.Х.Хамрабаевым, В.М. Крейтером, В.И. Смирновым, Н.И. Бородаевским, Г.П.Воларовичем, М.М.Константиновым, В.А.Нарсеевым, Е.М.Некрасовым, Н.А.Фогельман, Ю.М.Щепотьевым, И.М.Головановым, Б.А.Исаходжаевым, Ф.И.Исламовым, А.Е.Антоновым, А.Т.Закировым, П.А.Тихоновым, В.А.Хорватом, В.Д.Цоем и др.

Геолого-промышленная типизация месторождений благородных, редких, цветных, черных и других металлов Узбекистана проведена автором в период с 1990 по 2020 годы на основе критериев (форма, условия залегания рудных тел, размер, количество, условия отработки руд и другие), разработанных вышеупомянутыми учеными-геологами. В основу типизации положены геолого-структурный и вещественный признаки, соответствующие современному состоянию изученности месторождения вышеуказанных видов минерального сырья.

Несмотря на достигнутые научные результаты, к настоящему времени ещё недостаточно обращено внимание на вопросы структурного контроля оруденения, геодинамической типизации месторождений на основе изучения их условий формирования и локализации, геолого-экономической оценки рудоносности золотых, железных, вольфрамовых и других площадей Узбекистана.

Связь темы диссертации с научно-исследовательскими работами организации, где выполнена работа. Диссертационное исследование выполнено в рамках плана научно-исследовательских работ Госкомгеологии по темам: «Оценка прогнозных ресурсов золота, железа, вольфрама, олова и полиметаллов Самаркандского горнорудного района» (1994-1998) «Атлас литолого-палеогеографических, структурных и геоэкологических карт Центральной Евразии» (1997-2011), «Сводный обзор геолого-экономической

оценки разведанных месторождений и проявлений твердых полезных ископаемых» (2005), «Реестр месторождений твердых полезных ископаемых и перспективных площадей республики Узбекистан по состоянию на 01.01.2006 г. (2005-2006)».

Целью исследований является выделение и раскрытие содержания основных геолого-промышленных типов рудных месторождений, условий их размещения в различных временных геодинамических обстановках и оценка перспектив рудоносности Западного Узбекистана.

Задачи исследований:

геодинамическая типизация месторождений благородных, редких, цветных и черных металлов Западного Узбекистана;

систематизация данных по металлогеническим, минералогическим, геохимическим, текстурным показателям зональности рудоотложения и факторам, определяющим геолого-промышленные типы месторождений;

выявление общих и специфических особенностей золоторудных месторождений;

выявление геологических и минералого-геохимических особенностей формирования железо-титановых месторождений;

оценка перспектив рудоносности Западного Узбекистана на золото, железо, вольфрам, а также полезные попутные компоненты такие как медь, алмазы, титан и др.

Объектом исследований являются рифтовые зоны узбекистанской части Южного Тянь-Шаня, рудные месторождения и рудопроявления Узбекистана.

Предметы исследований – геолого-промышленные типы месторождений золота, серебра, меди, молибдена, вольфрама, железа, титана и алмаз.

